

## Банклар — уй-жой бунёдкори

(4-бетда ўқинг).

Банк омонатлари — ишончли ва барқарор.....5

Тадбиркорлик — оилалар фаровонлиги омили.....6-7

# БАНК АЖБОРОТНОМАСИ

Банк ходимлари, ишбилармонлар ва тадбиркорларнинг ҳафталик газетаси

ISSN 2010-6602

1995 йил январдан бошлаб нашр этилмоқда

№ 23 (994), 2015 йил 28 май

www.banknews.uz

## Банк-молия тизимида инновация-инвестиция фаолиятини такомиллаштириш

Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясида мамлакатимизда инновация-инвестиция фаолиятини янада такомиллаштиришда банк-молия тизимининг илгирокини кенгайтиришга бағишланган республика илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Ўзбекистон банклари Ассоциацияси ҳамда Банк-молия академияси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик

палатаси депутатлари, вазирлик ва идоралар, молия-кредит ташкилотларининг етакчи мутахассислари, тижорат банкларининг раҳбар ходимлари, хорижий молия институтларининг пойтахтимиз-

даги ваколатхоналари вакиллари, олий ўқув юртаринининг профессор-ўқитувчилари, илмий тадқиқотчилар ҳамда академия тингловчилари иштирок этди.

(Давоми 5-бетда).

## Бошқарув тизимини такомиллаштириш — давр талаби

Президентимизнинг 2015 йил 24 апрелдаги «Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 4720-сонли Фармони ҳамда 2015 йил 28 апрелдаги «Иқтисодиётда хусусий мулкнинг улуши ва аҳамиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2340-сонли Қарорининг мазмун-моҳиятини тарғиб этишга бағишланган анжуман ўтказилди.



Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси (Давлат рақобат қўмитаси) ҳамда Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқа-


лар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитасининг раҳбар ва масъул ходимлари, акциядорлик жамиятлари, хусусий тадбиркорлик субъектлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

(Давоми 2-бетда).

## Кичик бизнес ривожининг янги босқичи

Пойтахтимиздаги «Туркистон» санъат саройида Юртбошимизнинг 2015 йил 15 майда қабул қилинган «Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 4725-сонли Фармонининг мазмун-моҳиятини аҳолига, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига, ёш тадбиркорларга етказиш мақсадида анжуман ташкил этилди.

Тадбир Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан Хотин-қизлар қўмитаси, Савдо-саноат палатаси, республика Бош прокуратураси билан ҳамкорликда ташкил этилди.



Унда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси Элмира Боситхонова сўзга чиқиб, фармон моҳияти, тадбиркор маънавияти борасида нутқ сўзлади.

Фармон банк тизимининг олдида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини қўллаб-қувватлашга қаратилган бир қатор муҳим вазифаларни белгилаб берди. Таъкидлаш жоизки, юртимизда қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

— Мамнуният билан айтиш жоизки, республикамиз ЯИМда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг улуши 56 фоизни ташкил этмоқда, — дейди **Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Тижорат банкларининг инвестиция портфелини мониторинг қилиш департаменти бош иқтисодчиси Отабек Тождидинов**. — Ҳозирда юртимиз аҳолисининг қарийб 77 фоизи мазкур соҳада меҳнат қилмоқда. Юртбошимиз томонидан қабул қилинган мазкур фармон

республикамизда тадбиркорлик субъектларининг хусусий мулкни ишончли ҳимоя қилишга қўйилган яна бир муҳим қадам бўлди, шунингдек, тадбиркорликнинг иқтисодиётдаги роли ва ўрнини тубдан ошириш, уларнинг фаолиятини ташкил этиш йўлидаги мавжуд тўсиқ ва чекловларни тугатиш ҳамда хусусий мулкнинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини изчил ошириш учун янада қулай муҳит яратишнинг янги босқичини бошлаб берди.

Айтиш жоизки, банк тизимида кредитлашнинг тартиб-тамойиллари соддалаштирилаётганлиги, қайта молиялаш ставкасининг пасайтирилганлиги, банкларда ҳисоб рақамлар очишда тўлов ундиришнинг бекор қилинганлиги ҳамда банк тизимида расмий веб-сайт орқали мурожаат этиш тизимининг йўлга қўйилгани кичик бизнес ва хусусий тадбиркорларга қулай шароитлар яратмоқда. Бу эса, соҳа вакилларининг банк кредитларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтирмоқда.

(Давоми 3-бетда).

## ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН КУРСИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2015 йил 26 майдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:\*)

1 Австралия доллари	1982,32	1 Канада доллари	2060,66	1 Норвегия кронаси	330,64	1 евро	2858,29
1 Англия фунт стерлинги	3918,29	1 Хитой юани	408,48	1 Польша злотийси	673,46	10 Жанубий Корея вони	23,12
1 Дания кронаси	373,08	1 Кувейт динори	8376,36	1 Сингапур доллари	1891,92	10 Япония иенаси	208,11
1 БАА дирҳами	689,45	1 Россия рубли	50,86	1 СДР	3562,83	*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.	
1 АҚШ доллари	2532,34	1 Украина гривнаси	122,46	1 Туркия лираси	973,12		
1 Миср фунти	332,11	100 Ливан фунти	168,26	1 Швеция кронаси	300,98		
1 Исландия кронаси	18,83	1 Малайзия ринггити	702,65	1 Швейцария франки	2686,55		

Айрим хорижий валюталарнинг ўтган ҳафтага солиштирма курсаткичи: 1 USD ▲ 2532,34 – (2527,58) | 1 EUR ▲ 2858,29 – (2831,05) | 1 GBP ▼ 3918,29 – (3974,87) | 10 JPY ▼ 208,11 – (210,79)

## DOLZARB MAVZU

# Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармониغا шарҳ

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикасида иқтисодийни либераллаштириш, бошқарувнинг бозор тамойиллари ва механизмларини жорий этиш, қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги ортиқча бюрократик тўсиқ ва говларни бартараф этиш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

2012-2014 йилларда хусусий мулк мавқеини ошириш ва уни ҳимоя қилиш, ишбилармонлик муҳити ва бизнес юритиш шароитларини янада яхшилашга қаратилган Ўзбекистон Республикасининг ўн бешдан ортиқ қонуни, жумладан, «Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида», «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида (янги таҳрирда)», «Тадбиркорлик фаолияти соҳасида рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида», «Рақобат тўғрисида», «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида» ва бошқа қонунлар қабул қилинди.

Натижада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2000 йилдаги 31 фоиздан бугунги кунда 56 фоизга етди, иш билан банд аҳолининг 77 фоизи ушбу соҳада меҳнат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида»-

ги Фармони хусусий тадбиркорликнинг иқтисодийдаги роли ва ўрнини тубдан ошириш, тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш йўлидаги мавжуд тўсиқ ва чекловларни тугатиш, хусусий мулкнинг ялпи ички маҳсулотда, жумладан, хориж сармояси иштирокидаги улушини изчил ошириш учун янада қулай иқтисодий, ҳуқуқий шароит ва рағбатлар яратишга қаратилган.

Фармонга мувофиқ хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ишончли ҳимоясини таъминлаш, уларнинг жадал ривожланиши йўлидаги тўсиқларни бартараф этишнинг тўртта асосий йўналиши бўйича асосан жорий йилда амалга ошириладиган ўттиз учта аниқ чора-тадбирни кўзда тутувчи комплекс Дастур тасдиқланди.

Чора-тадбирлар дастурида хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликнинг жадал ривожланиши учун зарур шароит ва имкониятлар яратиш, уларни ташкил этиш ва фаолиятини йўлга қўйиш тартибини янада соддалаштириш, маъмурий ва жиноят қонунчилигини либераллаштириш ҳисобидан тадбиркорликка янада кенг эркинлик беришга алоҳида эътибор қаратилган.

Хусусан, агар шахс Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 184-моддасида назарда тутилган жиноятни (солиқлар ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйинтовлаш) илк маротаба содир этиб, жиноят аниқланган кундан 30 кун давомида давлатга етказилган зарарни тўлиқ қоплаган, пеня ва бошқа молиявий жарима турларини тўлаган

бўлса, унга нисбатан жиноят иши қўзғатилмаслиги ва шахс жавобгарликдан озод этилишини назарда тутувчи тартиб жорий этилмоқда.

Шунингдек, Жиноят кодексига хўжалик юритувчи субъектлар мансабдор шахсларига нисбатан улар томонидан сохта банкротлик ва банкротликни яшириш орқали етказилган моддий зарар тўлиқ қопланганда озодликдан маҳрум этиш шаклидаги жазо қўлланилмаслигини назарда тутувчи қўшимчалар киритиш кўзда тутилмоқда.

Савдо-сотик қоидалари, савдо ва воситачилик фаолияти соҳасидаги ҳуқуқбузарликларни жиноий юрисдикциядан маъмурий юрисдикцияга ўтказиш назарда тутилмоқда. Жуда катта миқдорда зарар етказилишига олиб келган ҳуқуқбузарликлар бундан мустасно.

Тадбиркорлик тузилмалари ва бошқа нодавлат ташкилотларида маъмурий-тақсимот ва маъмурий-хўжалик ваколатларини амалга оширувчи мансабдор шахслар жавобгарлигини юмшатиш чоралари белгиланди. Жумладан, Жиноят кодексига ноқонуний равишда моддий мукофот олганлик (тижорат пораси), ваколатларини суиистеъмол қилганлик ва бошқа ҳуқуқбузарликлар учун нисбатан юмшоқ жазо чораларини назарда тутувчи алоҳида моддалар киритилади. Юқорида кўрсатилган ҳуқуқбузарликлар натижасида етказилган моддий зарар тўлиқ қопланган ҳолда озодликдан маҳрум этиш шаклидаги жазо қўлланилмайди.

Чора-тадбирлар дастурида хусусий тадбиркорлар манфаатларини

ҳимоя қилишда суд органлари ролини кучайтириш назарда тутилган. Хусусан, тадбиркорлик субъектлари солиқ ва божхона қонунчилигини бузганлиги муносабати билан уларнинг мулкни мусодара қилиш, тўловчи томонидан эътироз бўлганда, қўшимча ҳисобланган божхона тўловларини ундириш фақат суд қарори билан амалга оширилади. Хўжалик судларига назорат қилувчи органнинг шикоят қилинаётган ҳаракати (қарори) ижросини тўхтатиб туриш ҳуқуқи берилади, хўжалик судлари томонидан даъво аризасини кўриб чиқишга қабул қилиш ва ишни суд муҳокамасига тайёрлаш тўғрисидаги ажрим чиқариш муддати 10 кундан 5 кунгача қисқартирилди.

Қўзғатилган жиноят ишлари доирасида назорат қилувчи органлар томонидан хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг текширувлари хўжалик юритувчи субъектлар томонидан жалб этилган адвокатлар иштирокида амалга оширилишини назарда тутувчи тартиб жорий этилмоқда (хўжалик юритувчи субъект ёзма равишда мазкур ҳуқуқни рад этган ҳоллар бундан мустасно).

Дастурда барча турдаги рўйхатга олиш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини соддалаштириш, турли давлат хизматларидан фойдаланишни кенгайтириш борасида комплекс чора-тадбирлар кўзда тутилган. Масалан, эндиликда қонунчиликда тадбиркорлик субъектлари учун кўзда тутилган имтиёз ва енгилликлардан фойдаланишда турли ёзма аризалар билан мурожаат қилишнинг ҳожати йўқ. ➔

## Бошқарув тизимини такомиллаштириш — давр талаби

**(Давоми. Бошланиши 1-бетда).**

Анжумани Давлат рақобат кўмитаси раиси Даврон Хидоятлов кириш сўзи билан очиб, 2015 йилги иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишлари ҳамда Давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқида таъкидланган устувор вазифалардан келиб чиққан ҳолда кўмита томонидан ишлаб чиқилган чора-тадбирлар хусусида тўхталди.

– Республикада Юртбошимиз раҳнамолигида олиб борилаётган ислохотларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни иқтисодийнинг етакчи кучига айлантириш мақсади энг устувор вазифалардан бири ҳисобланади, – дейди Д.Хидоятлов. – Бу борада эса, қайта ишланаётган

ва янги қабул қилинаётган қонун ва қонуности ҳужжатлар муҳим аҳамият касб этмоқда. Хусусан, жорий йил бошида кучга кирган ПФ-4720-сонли Фармон ҳамда ПҚ-2340-сонли Қарор хусусий мулк ва хусусий тадбиркорлик йўлидаги барча гов ва тўсиқларни бартараф этиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида мулкдорларга эркинлик бериш, иқтисодий тармоқларида давлат улуши иштирокининг мавжудлиги ва самардорлигини жиддий таҳлил қилиш ва шу асосда иқтисодий тизимизда давлат улуши ва ўрнини стратегик ҳамда иқтисодий асосланган даражага қадар қисқартириш, корпоратив бошқарув тизимидаги тамойиллар ва ёндашувларни тубдан ўзгартириш, ташқи иқтисодий ва инвестиция жараёнларининг корпоратив менежментига доир халқаро замонавий стандартларини



жорий этиш вазифаларида дастуриламал бўлади.

Тадбирда Давлат рақобат кўмитаси ушбу ҳужжатларда белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш мақсадида чора-тадбирлар режасини ишлаб чиққанлигини маълум қилди. Унга кўра, бугунги кунда кўмита халқаро тажрибаларни чуқур таҳлил қилиш асосида замонавий корпоратив бошқарув усуллари жорий этиш, хорижий капитал иштирокида акциядорлик жамиятларини ту-

зиш, акциядорлар, шу жумладан, миноритар акциядорларнинг ролини ошириш, акциядорлик жамиятлари бошқарув ходимларининг малакасини ошириш, юқори малакали, профессионал менежерларни жалб қилиш, хусусийлаштириш жараёнларини янада чуқурлаштириш, корхоналарнинг устав капиталидаги давлат улушларини хусусий инвесторлар, биринчи навбатда, хорижий инвесторларга сотиш, иқтисодийда хусусий мулкчилик-

нинг улушини ошириш борасида изчил ишларни амалга оширмоқда.

Бундан ташқари, кўмита томонидан ПФ-4720-сонли Фармон ижроси юзасидан алоҳида режа ишлаб чиқилган бўлиб, ҳозирда унга мувофиқ, 364 та акциядорлик жамиятини янгидан ташкил этиш ва тугатиш жараёнлари устидан қаттиқ назорат ўрнатилган, давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари рўйхатини шакллантириш учун уларнинг раҳбар ходимларини аттестациядан ўтказиш белгиланган, шунингдек, акциядорлик жамиятларининг ташкилий тузилмасини танқидий ўрганиб чиқиш ва тармоқ хусусиятини ҳисобга олган ҳолда намунавий тузилмага мослаштириш, уставига ўзгартириш киритиш масаласи бўйича акциядорлик жамиятларида акциядорларнинг умумий йиғилишларини ўтказиш, иқтисодий ва стратегик нуқтаи-назардан давлат ➔

## DOLZARB MAVZU

Ўзбекистон Республикаси товар-хонашэ биржасининг махсус ахборот портали воситасида ўтказиладиган электрон савдолар орқали тадбиркорлик субъектларидан бирламчи эҳтиёждаги товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича давлат харидларини амалга ошириш тартиби соддалаштирилди.

Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйиш Ўзбекистон Республикаси интерфол давлат хизматлари Ягона порталига интеграция қилинган интернет тармоғида автоматлаштирилган тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйиш тизими орқали 24 соат узлуксиз амалга оширилади.

Давлат хизматларидан фойдаланишда бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, очиқлик ва шаффофликни таъминлаш, аризачиларнинг хизмат кўрсатиш тўғрисида қарор қабул қилувчи мансабдор шахслар билан бевосита алоқасини истисно қилиш мақсадида бугунги кунда турли идоралар қошида фаолият юритаётган, алоҳида давлат хизматлари кўрсатаётган «бир дарча» хизматларининг ўрнига туман (шаҳар) ҳокимликлари ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш инспекциялари негизида «бир дарча» тамойили асосида тадбиркорлик субъектларига давлат хизматлари кўрсатиш Ягона марказлари ташкил этилади.

Шу билан бирга, тадбиркорлик субъектлари томонидан зарур ҳужжатларни тақдим этиш асосида давлат архитектура-қурилиш назорати ҳудудий инспекциялари томонидан қурилиш объектларини рўйхатга олиш ва қурилиш-монтаж ишларига рухсат беришнинг билдириш тартибини жорий этиш, ер майдонларини танлаш ва ажратиш бўйича материалларни тайёрлаш, келишиш ва тасдиқлаш тартиб-таомиллари ва муддатларини оптималлаштириш ҳисобидан тадбиркорлик субъектларига ер майдонларини тақдим

этиш билан боғлиқ тартиб-таомилларни янада соддалаштириш назарда тутилмоқда.

Фармон билан тасдиқланган чоратадбирлар Дастурида хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текширишни янада тартибга солиш ҳамда тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилганлик ва ноқонуний аралашганлик, хусусий мулкдорлар ҳуқуқларини бузганлик учун давлат, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат қилувчи органлар мансабдор шахсларининг жавобгарлигини ошириш, жумладан, жиноий жавобгарлигини жорий этиш ўта муҳим аҳамият касб этувчи вазифа сифатида белгиланган.

Жумладан, 2015 йилнинг 1 июлидан режали текширувлар ўтказишнинг ягона тартиби ва даврийлиги жорий этилади. Мазкур тартибга кўра, микрофирмалар, кичик корхоналар ва фермер хўжаликлари фаолияти бўйича барча текширувлар режали асосда тўрт йилда бир мартадан кўп бўлмаган, бошқа хўжалик субъектларини текшириш уч йилда бир мартадан кўп бўлмаган ва фақат Ўзбекистон Республикаси Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика кенгаши қарори билан амалга оширилади. Айни пайтда молиявий-хўжалик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган режали текширувларни амалга ошириш муддати 30 календарь кундан 10 кунгача қисқартирилмоқда.

Тадбиркорлик фаолияти субъектларининг молиявий-хўжалик фаолияти бўйича режали текширувлар фақат охириги режали текширув давридан кейинги муддатни қамраб олиши шарт. Тадбиркорлик субъектларига йўл қўйилган хатоларни текширув давом этаётган даврнинг ўзида тўғрилаш, шу орқали фаолиятининг тўхтатиб қўйилиши ва тугатишининг олдини олиш имконияти яратилмоқда.

Назорат қилувчи органлар томо-

нидан тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш ва улар фаолиятига доир комплекс текширувлар тайинланишидан аввал ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга доир профилактика ишлари самарадорлигини ошириш масалаларига катта эътибор қаратилган. Назорат қилувчи органларнинг фаолияти айнан шу мезон асосида баҳоланади.

Бу чора-тадбирларнинг татбиқ этилиши Ўзбекистон Республикасининг «Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги Қонунини янги таҳрирда қабул қилишни назарда тутди.

Фармонда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Адлия вазирлиги, Олий судига манфаатдор тузилмалар билан биргаликда тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилгани ва ноқонуний аралашгани учун давлат, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат қилувчи органлар мансабдор шахсларининг жавобгарлигини кучайтириш бўйича аниқ чоратадбирлар ишлаб чиқиш ва қабул қилиш топширилди.

Жумладан, хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-хўжалик фаолияти бўйича текширув ва тафтиш ўтказиш тартибини, давлат хизматлари кўрсатиш тартибини бузганлик, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини ва (ёки) уларнинг банк ҳисобварақлари бўйича амалиётларни ноқонуний тўхтатиб қўйганлик, хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳисобварақларидаги мавжуд пул маблағлари тўғрисида ахборотни асоссиз равишда талаб қилганлик, хўжалик юритувчи субъектларни хайрия ишлари ва пул маблағлари ажратиш билан боғлиқ бошқа тадбирларга мажбурий жалб қилганлик ва бошқа ҳаракатлар учун маъмурий жавобгарлик чораларини кучайтириш кўзда тутилмоқда.

Тадбиркорлик субъектларига те-

гишли бўлган бинолар ва бошқа иншоотларни шу мулкнинг бозор қийматини қопламасдан бузиб ташланлик учун маъмурий жавобгарликни жорий этиш назарда тутилмоқда.

Назорат қилувчи, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва бошқа давлат органларининг тадбиркорлик фаолияти эркинлигини ҳимоя қилиш соҳасидаги қонунчиликни кўп мартаба бузган мансабдор шахсларига нисбатан жиноий жавобгарлик чоралари қўлланилади.

Шу билан бирга, давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ноқонуний ҳаракатлари ёки уларнинг мансабдор шахслари ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) натижасида тадбиркорлик субъектига етказилган зарарни, жумладан, бой берилган фойдани тўлиқ қоплаш механизмини жорий этиш назарда тутилмоқда.

Мазкур ўзгартиш ва қўшимчаларнинг барчаси маъмурий ва жиноят қонунчилигида ўз аксини топади. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилиш ва ноқонуний аралаштириш ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахл қилувчи бошқа ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарликни назарда тутадиган алоҳида XVI бобини киритиш кўзда тутилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига ҳам тегишли қўшимчалар киритилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қабул қилинган фармони ижросини таъминлаш кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш учун янада қулай шароитлар яратиш, бизнес муҳитни яхшилаш, Ўзбекистон иқтисодиётига маҳаллий ва хорижий инвестицияларни янада кенг жалб қилиш, янги иш ўринлари яратиш, пировардида, халқимиз фаровонлигини юксалтириш имконини беради.

иштироки сақланиб қолинадиган, модернизациялаш ва техник томондан қайта қурилганлиги учун инвестициялар жалб этилиши керак бўлган аниқ тармоқлар бўйича таклифлар тайёрлаш, акциядорлик жамиятлари фаолиятини танқидий таҳлил қилиш ва тугатилаётган акциядорлик жамиятларини юридик шахсларнинг давлат реестридан чиқариш, акциядорлик жамиятларини босқичма-босқич бошқа ташкилий-ҳуқуқий шаклга айлантириш ҳамда АЖ тугатиш тартиботини амалга ошириш бўйича йўриқнома ишлаб чиқиш каби вазифаларни амалга оширмоқда.

– Президентимиз томонидан 2015 йил 28 апрелда қабул қилинган «Иқтисодиётда хусусий мулкнинг улуши ва аҳамиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарор талабларини бажариш борасида кўмита томонидан давлат мулкида бўлиб, бўш турган ва қурилиши тугалланмаган корхоналарнинг устав фондларида давлат улуши мавжудлиги таҳлил қилинди, – дейди **Давлат рақобат кўмитаси Корпоратив бошқарувни такомиллаштириш ва иккиламчи**

**фонд бозорини ривожлантириш бошқармаси бошлиғи ўринбосари Алишер Миралиев.**

– Натижада давлат ва хўжалик органлари улуши сотилиши шарт бўлган акциядорлик жамиятлари, давлат активлари ва хўжалик бошқаруви улушлари сотилиши шарт бўлган корхоналар ва хўжалик бирлашмалари ҳамда танлов асосида «ноль» қийматда сотиладиган давлат мулки объектлари, шу жумладан, қурилиши тугалланмаган объектлар рўйхати тузилди.

Матбуот анжуманида шунингдек, тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга қаратилган устувор вазифалар ва уларни ҳаётга татбиқ этишда амалга ошириладиган ишлар, 2015-2018 йилларда барча акциядорлик жамиятларининг йиллик молия ҳисоботини чоп этишга ўтиши ҳамда ташқи аудит ва молиявий ҳисоботни халқаро стандартларга мувофиқлаштириш борасида амалга ошириладиган ишлар, хорижий инвесторлар ҳамда хорижий инвестициялар қатнашган корхоналар учун бериладиган имтиёз ва кафолатлар тўғрисида маърузалар тингланди.

**Юлдуз ЗОКИРОВА.**

## Кичик бизнес ривожининг янги босқичи



**(Давоми. Бошланиши 1-бетда).**

– 2015 йилнинг 15 майида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг ушбу фармони мамлакатда иқтисодий ва ҳуқуқий шарт-шароитлар, хусусий мулкнинг иқтисодиётдаги улуши кескин ўсиши, шунингдек, чет эл капитали иштироки ортишини таъминлайди, – дейди **«ҚДБ банк Ўзбекистон» АЖ бошқаруви раиси Ин Жу Ким.** – Шунингдек, фармон яна бир бор

тадбиркорлик субъектларини, айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни Ўзбекистон ҳуқумати томонидан изчил ва доимий равишда қўллаб-қувватлашни кўрсатади.

Фармонда яқка тартибдаги тадбиркорларга уч нафаргача янги иш ўринлари яратиш, касб-хунар коллежи битирувчиларини ишга ёлласса, ўн икки ой давомида мазкур ишчилар учун белгиланган солиқдан озод этилиш имкони берилди. Хусусий мулк, кичик биз-

нес ва хусусий тадбиркорликнинг ишончли ҳимоясини таъминлаш, уларнинг жадал ривожланиши йўлидаги тўсиқларни бартараф этишнинг тўртта асосий йўналиши бўйича жорий йилнинг ўзида амалга ошириладиган 33 та аниқ чора-тадбирни кўзда тутувчи комплекс Дастур тасдиқланди.

Шунингдек, тадбирда Юртбошимиз фармонида белгиланган вазифалар ижросининг таъминланиши банк тизимида ишбилармонлик муҳитининг тубдан яхшиланиши, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг мамлакат иқтисодиётидаги роли ва улуши янада ортиши, янги иш ўринлари яратилиши, пировардида халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришга хизмат қилиши қайд этиб ўтилди.

**Ёрқин ОЧИЛОВ.**

## OBOD MANZILLAR

## Банклар — уй-жой бунёдкори

Республикамиз тижорат банклари томонидан қишлоқ жойларда замонавий уй-жойлар қуриш тадбирлари жадал равишда давом этмоқда. Хусусан, жорий йилда Хоразм вилоятидаги 22 та қишлоқ массиви ҳудудида 865 та уй-жой бунёд этилиши кўзда тутилган.



Маълумки, юртимизда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва турмуш фаровонлигини оширишга қаратилган кенг қўламли ислотлар амалга оширилмоқда. Чунончи, Давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 3 августдаги «Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши қўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ва 2010 йил 17 июндаги «Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида хусусий уй-жой қурилишини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорлари билан уй-жой шароитини яхшилаш ниятидаги юрtdошларимизга қатор имтиёз ва қулайликлар яратилди, лойиҳаларни тез ва сифатли амалга ошириш механизми шакллантирилди. Ўтган давр мобайнида ушбу қарор-

лар ижроси асосида минглаб оилалар ўз уйларига эга бўлишди. Бу борада уларга тижорат банкларининг ипотека кредитлари асосий молиялаш манбаи сифатида қўмаклашди.

Хоразм вилоятида қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида якка тартибдаги уй-жойлар қуриш дастури доирасида 2009-2014 йиллар давомида намунавий лойиҳалар бўйича 30 дан ортиқ янги қишлоқ массивлари барпо этилди. Ушбу йиллар давомида «Қишлоқ қурилиш банк» АТБ, ТИФ Миллий банки, «Ипотека-банк» АТИБнинг мазкур минтақадаги филиаллари томонидан умумий қиймати 376,7 млрд. сўм бўлган 3 347 та уй-жой қурилиши учун марказлаштирилган маблағлар ҳисобидан 227,1 млрд. сўм миқдоридан имтиёзли ипотека кредитлари йўналтирилди. Дав-

латимиз раҳбарининг 2015 йил 7 январдаги «2015 йилда қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жой қурилиши дастури ва 2016 йилги қурилишнинг асосий параметрлари тўғрисида»ги 2282-сонли Қарорига мувофиқ эса, жорий йилда вилоятдаги яна 22 та қишлоқ массиви ҳудудида 865 та барча қулай шароитларга эга уй-жой ва 10 та ижтимоий инфратузилма объектини бунёд этиш кўзда тутилган. Бугунги кунда банклар томонидан бу борадаги ишлар бошлаб юборилган.

Шунингдек, вилоят банклари Юртбошимизнинг 2007 йил 18 майдаги «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 3878-сонли Фармони ҳамда 2014 йил 6 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2124-сонли Қарори асосида ёш оилаларни уй-жой билан таъминлаш мақсадида ҳам имтиёзли сармоялар жалб қилмоқда. Хусусан вилоят банклари ёш оилаларнинг уй-жойга бўлган

талабини қондириш мақсадида 2014 йил давомида 253 та оиллага умумий ҳажми 28,9 млрд. сўмдан ортиқ, жорий йилнинг биринчи чорагида эса 31 та оиллага 4,8 млрд. сўмлик ипотека кредитлари ажратди. Ушбу даврда банклар ёш оилаларнинг уй-жой мулкдорига айланишига қўмаклашиш билан бирга, уларнинг замонавий уй-рўзгор буюмларига бўлган талаб ва эҳтиёжларини қондириш мақсадида 39 та оиллага 282,6 млн. сўмлик (2014 йилда 1 268 та ёш оиллага 8,7 млрд. сўмлик) истеъмол кредитлари ҳам берди.

Бундан ташқари, Хоразм вилоятининг Хива, Гурлан ва Хонқа туманларида бунёд этилаётган ҳар бири 64 хонадондан иборат учта «Камолот» уйларида қурилиш ишлари якунланмоқда. Улар «Камолот»нинг кўп квартиралли уйлари ёш оилаларга бериш масалаларини кўриб чиқиш тартиби тўғрисида»ги Низомга мувофиқ, турар-жой шароитларини яхшилашга муҳтож сифатида ҳисобда турган ҳамда фан, санъат, адабиёт, спорт ва бошқа соҳаларда юксак натижаларга эришган, шунингдек, ариза берилган пайтда 30 ёшдан ошмаган эр-хотинлар (иккаласи ҳам)га ипотека кредити асосида берилади.

Назира МАВЛОНОВА.

Ёш оилаларга  
янги уйлар

Қашқадарё вилояти Муборак туманида ёш оилалар учун барпо этилган «Камолот» уйи фойдаланишга топширилди.

Вилоят ҳокимлиги, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят ва туман кенгашлари фаоллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари, ёшлар иштирок этган тадбирда Президентимиз раҳнамолигида ёш оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг турмуш шароитини янада яхшилашга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 6 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори бу борадаги ишларни янада такомиллаштириш ва янги босқичда давом эттиришга хизмат қилаётир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 8 сентябрдаги «Мамлакатнинг ижтимоий ҳаётида фаол қатнашаётган ёш оилаларни уй-жой билан таъминлашни янада



қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижроси доирасида Муборак тумани Дўстлик кўчасида бунёд этилган 48 хонадондан иборат 4 қаватли уй ўз эгаларига топширилди. Замонавий шароитлар муҳайё этилган бу уйнинг имтиёзли кредит асосида, бошланғич тўловсиз ва фоизсиз берилаётгани ёш оилалар учун катта имкониятдир.

– Бундай замонавий шароитлар фарзандларимизни соғлом ва билимли этиб тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади, – дейди янги уй соҳибаларидан бири, «Муборакнефтьгаз» унитар шўъба корхонаси ходими Ситора Ҳамроева. – Бу давлатимиз томонидан биз, ёш оилаларга кўрсатилаётган юксак эътибор ва ғамхўрликнинг амалдаги ифодасидир. Биз ўзимизнинг фидокорона меҳнатимиз билан мамлакатимиз равнақига ҳисса қўшамиз.

## Уйчида «Камолот» уйлари топширилди

Наманган вилояти Уйчи тумани марказида ёш оилалар учун барпо этилган «Камолот» уйи фойдаланишга топширилди.

Давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Наманган вилояти кенгаши фаоллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари, жамоатчилик ва ёшлар иштирок этган тадбирда Президентимиз раҳнамолигида ёш оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг турмуш шароитларини янада яхшилашга қаратилаётган алоҳида эътибор аҳоли фаровонлиги ва турмуш маданиятини юксалтириш билан бирга, юрtdошларимизнинг онгу тафаккури, ҳаётга муносабатини ўзгартириб, эртанги кунга ишончини мустаҳкамлашга хизмат қилаётгани таъкидланди.

Уйчи тумани аҳолисининг 85 минг-

дан зиёди ёшлардир. Уларнинг замонавий билим ва касб-хунарларни пухта эгаллаши, спорт билан мунтазам шуғулланиши, истеъдод ва салоҳиятини кенг намойиш этиши учун барча шароит яратилган.

Президентимизнинг 2014 йил 6 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 8 сентябрдаги «Мамлакатнинг ижтимоий ҳаётида фаол қатнашаётган ёш оилаларни уй-жой билан таъминлашни янада қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ижроси доирасида

3 млрд. сўм маблағ эвазига қад ростирилган замонавий уй ёш оилаларга «Ўзсаноатқурилишбанк» акциядорлик-тижорат банки Наманган вилояти минтақавий филиалининг имти-



ёзли ипотека кредити асосида йигирма йил муддатга фоизсиз, бошланғич тўловларсиз берилди.

– Кекса-ю ёш бирдай эътибор ва эъозда бўлган шундай Ватан фарзанди эканидан фахрланаман, – дейди қўл жанги бўйича беш карра Ўзбекистон чемпиони, вилоят ички ишлар бошқармаси «Динамо» спорт жамиятининг ходимлар билан ишлаш бўйича инспектори Расулжон Жўраев. – Бугун биз оиламиз билан Президентимиз ғамхўрлигидан баҳраманд бўлиб, орзуимиздаги замонавий уйнинг калитини олдик. Бундан, айниқса, турмуш ўртоғим ва уч ўғлим жуда хурсанд. Бу ерда фарзандларимизни ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялаш учун барча шароит ва қулайликлар мавжуд.

BANK TIZIMI

# Банк-молия тизимида инновация-инвестиция фаолиятини такомиллаштириш

**(Давоми. Бошланиши 1-бетда).**

Анжуманда юртимизда бюджет-солиқ сиёсатини ҳар томонлама пухта тайёрлаш, фаол инновация-инвестиция сиёсатини юритиш, иқтисодийнинг етакчи тармоқларида модернизациялаш дастурларини изчиллик билан амалга ошириш, ишлаб чиқаришда маҳаллийлаштириш жараёнларини эътиборга олиб, ҳудудларнинг инновациялар бўйича салоҳиятини ривожлантириш, инфратузилмасини пухта ташкил этиш, иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда мутаносибликни таъминлаш эвазига ўтган йиллар мобайнида мамлакатимизда макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодий ўсишнинг юқори суръатлари таъминланганлиги хусусида сўз юритилди. Жумладан, глобал молиявий-иқтисодий инқироз натижасида жаҳонда юз бераётган молиявий танглик ва мураккаб иқтисодий-ижтимоий вазиятга қарамасдан юртимизда ялпи ички маҳсулот ҳажмининг ўсиш суръатлари 8,1 фоиздан ошганлиги, бу эса, ўз навбатида, сўнгги йилларда мамлакатимиз давлат бюджети даромадларининг тўлиқ шаклланишига ижобий таъсир кўрсатиб, унинг ялпи ички маҳсулотга нисбатан профицит билан ижро этилиши таъминлагани мамнуният билан қайд этилди.

Тадбирда инновация-инвестиция фаолиятини янада такомиллаштиришда солиқ-бюджет сиёсатининг ўрни хусусида сўз бориб, унда солиқ юқини янада пасайтириш ва солиқ маъмурчилигини яхшилаш эвазига ишлаб чиқаришни рағбатлантириш ва инвестиция муҳитининг жозибадорлигини ошириш юзасидан олиб

борилаётган чора-тадбирлар ва унинг самараси, шунингдек, охириги йилларда аҳоли реал даромадлари ўсишига кўмаклашадиган, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга асос бўлиб хизмат қиладиган кенг қўламли солиқ ислохотларининг амалий натижаси иштирокчилар эътиборига ҳавола қилинди.



Маълумки, мамлакатимиз банк тизимини ислоҳ қилиш, эркинлаштириш ва барқарорлигини ошириш давлатимиз сиёсатининг энг муҳим йўналишларидан бирига айланди. Бугунги кунда бу борада ишлаб чиқилган дастурларда банкларнинг барқарорлигини ошириш, капиталига қўшимча инвестицияларни жалб этиш, уларнинг фаолиятини халқаро стандартларга мувофиқ янада такомиллаштириш, кўрсатилаётган банк хизматлари ҳажминини янада кенгайтириш ҳамда аҳолининг банкларга бўлган ишончини мустаҳкамлаш асосий йўналишлари этиб белгиланган. Анжуманда «Иқтисодий реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини қўллаб-қувватлашда тижорат банкларининг иштироки ва


иқтисодий аҳамияти» мавзусида маърузали чиқиш қилган Марказий банк департамент директори ўринбосари Зафар Азимов куйидаги кўрсаткичларни баён этди:

– 2015 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, иқтисодий реал секторига йўналтирилган кредитларнинг умумий ҳажми 2013 йилга нисбатан 31,2 фоизга кўпайиб, улар ҳажми 34,8 трлн. сўмни ташкил этди (**1-диаграмма**).

Банкларнинг инвестиция мақсадларига ажратилган инвестицион кредитлари миқдори ҳам 2013 йилнинг шу даврига нисбатан 18,5 фоизга ошиб, 8,5 трлн. сўмга етди (**2-диаграмма**).

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳам банклар эътиборида бўлиб, 2014 йил давомида тижорат банклари томонидан мазкур соҳа субъектларига барча молиялаш манбалари ҳисобидан ажратилган кредитлар ҳажми 2013 йилга нисбатан 1,3 баробарга ошиб, қарийб 9,2 трлн. сўмни ташкил этди.

Тадбирда банк соҳасини барқарор ривожлантириш ва инвестицион фаолиятини янада кучайтиришда уларнинг ликвидлигини ошириш, молия-кредит муассасалари томонидан устувор тармоқларда ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, янги корхоналар ва иш ўринларини ташкил этишдаги иштирокини фаоллаштириш, шунингдек, микромолиявий ташкилотлар, лизинг, суғурта ва пенсия фондларининг инвестицион манба сифатида фаолиятини олиб бориш, хорижий инвестициялар ва ички ресурсларни фаоллаштириш масалалари бўйича олимлар ва банк-



молия тизимининг етакчи мутахассислари ўртасида фикр алмашилди.

– Таъкидлаш жоиз, академияда ушбу анжуман мавзусига доир масалалар, хусусан, илғор хориж тажрибасига асосланган ҳолда республикамиз банк-молия сектори, инвестицион компаниялар ва фонд бозорининг самарали фаолият юритишини таъминлашга қаратилган кўпгина илмий тадқиқот ишлари тизимли равишда олиб борилиб, тегишли идораларга тақдим қилинмоқда, – дейди **Банк-молия академияси «Инвестициялар» кафедраси мудири Шерзод Мустафоқулов**. – Бугунги тадбирга ҳам тингловчилар сифатида олийгоҳимиз магистрларини жалб қилиб, уларни ишлаб чиқаришдаги жараёнлардан бохабар қилиш билан бирга, банк-молия тизимида ечимини кутаётган масалалар юзасидан янги инновацион ечимларни тадқиқ этишга чорлаш мақсади кўзда тутилган.

Анжуман умумий йиғилишини 5 та секцияли ялпи мажлис давом эттириб, унинг якунида тадбир мавзуси доирасида илмий-амалий таклиф ва тавсиялар қабул қилинди.

**Назира МАВЛОНОВА.**

## Банк омонатлари — ишончли ва барқарор

Банклар томонидан чакана хизматларнинг кўрсатилиши аҳолининг кўпгина ижтимоий-иқтисодий муаммолари ҳал этилишига ёрдам берадиган омил ҳисобланади.

Ушбу мақсадда банклар томонидан ўзининг чакана хизматлар бозоридаги фаолиятини доимий кенгайтириб бориш, мижозларнинг банк фаолиятига бўлган ишончини янада мустаҳкамлаш чоралари кўриб келинмоқда. Сўнгги йилларда

етақчилар сафида бўлишни таъминламоқда.

Банк томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг пул муомаласи тизимини такомиллаштириш, пул маблағларининг банкдан ташқари айланмасини қисқартириш ва банклардаги

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги «2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги ПҚ-1438-сонли Қарорида белгиланган параметрларга эришиш ва Ўзбекистон Республикаси Президенти-

ижросини таъминлаш ҳамда банк омонатлари таркибида муддатли ва жамғарма омонатлар салмоғини ошириш мақсадида жорий йилнинг ўтган даврида «Қишлоқ қурилиш банк» томонидан миллий валютада муддатли «Кексаларга таъзим», «Кексаларни кадрлаш», «Самарали», «Матонат», «Жасорат» каби жозибадор омонат турлари жорий қилинди.

Шу билан бирга, аҳолига қулайликлар яратиш мақсадида юқори фоизли «Коммунал», «Қулай тўлов», «Тежамкор» каби мақсадли омонат турлари жорий қилинган бўлиб, ушбу омонатларга ҳисобланган фоизлар омонатчининг уй-жой коммунал тўловлари учун йўналтирилиши йўлга қўйилган. «Қишлоқ қурилиш банк» АТБ томонидан аҳоли омонатларини янада кўпроқ жалб қилиш мақсадида 2015 йил 1 май ҳолатига 35 та доимий омонат турла-



рига маблағлар жалб этилган бўлиб, шулардан 26 таси миллий валютада, қолган 9 таси хорижий валютадаги омонат турларидир.

**2015 йилнинг 1 май ҳолатига кўра, банкнинг жами омонатчилари сони 72 минг нафардан ошди ва уларнинг банкдаги қўйилмалари 146 млрд. сўмни ташкил этиб, йил бошига нисбатан бу кўрсаткич 10,6 млрд. сўмга ёки 7,8 фоизга ўсди.**

Бунинг натижасида 2015 йилнинг 1 май ҳолатига кўра, банкнинг жами омонатчилари сони 72 минг нафардан ошди ва уларнинг банкдаги қўйилмалари 146 млрд. сўмни ташкил этиб, йил бошига нисбатан бу кўрсаткич 10,6 млрд. сўмга ёки 7,8 фоизга ўсди.

Шунингдек, аҳоли бўш пул маблағларини муддатли омонат турларига жалб қилиш борасида олиб борилган тадбирлар натижасида уларнинг қолдиги йил бошига нисбатан 18,7 млрд. сўмга ёки 18,2 фоизга ўсиб, 121,7 млрд. сўмни ташкил этди.

**Юлдуз ЗОКИРОВА.**



«Қишлоқ қурилиш банк» томонидан самарали депозит сиёсати амалга оширилиши умумий жалб этилган маблағлар ва аҳоли омонатларининг қолдиги бўйича мамлакатимизнинг молиявий хизматлар бозорида

депозит ҳисобварақлардан нақд пул тўловларини узлуксиз таъминлашнинг кафолатларига доир фармон ва қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида муайян даражада самарали ишлар амалга оширилмоқда.

нинг 2009 йил 6 апрелдаги «Аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларининг бўш пул маблағларини тижорат банкларидagi депозитларга жалб қилиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ПҚ-1090-сонли Қарори

## BANK VA TADBIRKOR

## Тадбиркорлик — оилалар фаровонлиги омили

Оила бюджети даромадини кўпайтириш, иш билан банд бўлмаган аҳолини ишлаб чиқариш фаолиятига жалб этиш ва халқ хунармандчилиги анъаналарини сақлаб қолишнинг энг самарали воситаларидан бири оилавий тадбиркорликни янада ривожлантириш ҳисобланади.

Бу борада Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар жараёнида банк тизимида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, айниқса, оилавий бизнесни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу янги иш ўринлари яратиш, оилаларнинг барқарор даромад манбаларини шакллантириш ва фаровонлигини оширишда муҳим омил бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги Қонуни бу борада муҳим аҳамият касб этиб, аҳоли, хотин-қизлар ва ёшларни доимий иш билан таъминлашга хизмат қилмоқда.

имтиёзли кредит маблағи муҳим омил бўлди. Айни пайтда 20 нафар маҳаллий ёш йигит-қизлар меҳнат қилаётган корхонада маҳаллий хомашёдан катталар, аёллар ва болалар учун ўн турдан зиёд кийим-кечаклар тикилмоқда.

**Лайлохон МИРАХМЕДОВА, «Шукрона саноат текстиль» оилавий корхонаси раҳбари:**

— Юз фоиз пахта ва ипак матодан тайёрланаётган маҳсулотларимиз сифати хорижликдан асло қолишмайди. Шу боис, биз билан ҳамкорлик қилиш истагида бўлган савдо марказлари, кийим-кечак дўконлари-

этибор қаратилиб, касб-хунар коллежлари битирувчиларини ўз ихтисосликлари бўйича ишга жойлаштириш юзасидан кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

2014 йилнинг ўзида 495 228 нафар йигит-қиз касб-хунар коллежини тугатди. Таъкидлаш жоизки, 56 мингдан ортиқ коллеж битирувчилари тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш ва ўз ишини йўлга қўйишга қарор қилишди, 24 мингдан ортиқ ёш тадбиркорларга тижорат банклари томонидан 200,9 млрд. сўмдан ортиқ имтиёзли микрокредитлар ажратилди.

Ёшларни тадбиркорлик соҳасида ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, истиқболли бизнес-режаларини тузишга яқиндан амалий ёрдам кўрсатиш ҳамда ишбилармонлик ташаббусини молиялаштиришга банк тизими томонидан алоҳида эътибор қаратилмоқда.



Мазкур ҳужжат ижроси доирасида шу йилнинг ўтган даврида юртимизда мингдан зиёд оилавий корхона ташкил этилди. Жорий йилнинг 1 май ҳолатига айнан оилавий тадбиркорлик ва хунармандчиликни ривожлантириш учун ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 47 фоиз кўп, яъни 71,8 млрд. сўм миқдорида кредитлар ажратилди. Бунда асосий эътибор қишлоқ жойларда мазкур бизнеснинг ривожланишини қўллаб-қувватлашга қаратилди (**1-диаграмма**).



Мисол учун Фарғона вилоятининг Учкўприк тумани «Зигир» маҳалла фуқаролар йиғинида фаолият юритаётган «Шукрона саноат текстиль» оилавий корхонасида тайёрланаётган энгил саноат маҳсулотлари замонавийлиги ва юқори сифати билан ички бозорда ўз ўрнини топмоқда.

Лайлохон Мираҳмедова раҳбарлик қилаётган мазкур корхона дастлаб иккита тикув машинаси билан иш бошлаган бўлса, бугунга келиб тижорат банкларининг молиявий кўмаги билан импорт ўрнини босувчи, рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқараётган йирик мажмуага айланди. Корхона салоҳиятини оширишда маҳалла фаолларининг маслаҳати ва ёрдами, тижорат банкининг 60 млн. сўмлик

дан қўллаб буюртмалар қабул қилинмоқда. Келгусида маҳсулотларимизни хорижга экспорт қилишни ҳам режалаштирганмиз.

Мамлакатимиз банк тизимида яратилаётган кенг шароит ва имкониятлардан самарали фойдаланиб, оилавий бизнесни кенгайтирдим, фарзандларимни ўқитиб, уйли-жойли қилдим. Биргина бу эмас, ҳудудга саноатни олиб кириш асносида ёшлар бандлигини таъминлашга корхонамиз муносиб ҳисса қўшмоқда.

**Бахтиёр РАХИМОВ, «Ижод Ижод» ХК раҳбари ўринбосари:**

— «Бизнинг «Ижод Ижод» хусусий корхонамиз тарихий обидаларни таъмирлаш ва реконструкция қилиш, шунингдек, замонавий кафель ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Ҳозир 110 нафардан ортиқ ёшлар меҳнат қилмоқда. Корхонамиз айланма маблағларини тўлдиришга 400 млн. сўм кредит ҳамда кафелларга ўймакор нақш берувчи ускунани хориждан сотиб олиш учун 250 минг АҚШ доллари миқдорида кредит ажратишни сўраб «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг Олмазор филиалига мурожаат этган эдик. Банк томонидан қисқа фурсатда кредит ажратилди.

Ушбу маблағ эвазига корхона тўлиқ қувват билан ишлашни бошлади, натижада мижозлар талабини қондириш имконига эга бўлди.

Бу биз каби тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш борасида давлатимиз томонидан яратилган катта имкониятлар маҳсулидир.

**Ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш — банк эътиборида**

Мамлакатимизда ёшларни ўқитишга, уларни касбга йўллашга, замонавий билим эгаллашига алоҳида

сида тижорат банкларида коллеж битирувчисининг микрокредит олиш учун таъминоти етарли бўлмаган тақдирда, яқин қариндошларининг (ота-она, ака-ука, опа-сингил) иш ҳақи тўғрисидаги маълумотномани тақдим этиш орқали кафилик бериш амалиёти жорий этилгани ўз самарасини бермоқда. Йилда-йилга банклар томонидан коллеж битирувчисининг молиялаштирилаётган лойиҳалар миқдори ўртача 2 баробарга ортаётганлиги эса коллеж битирувчиларини иш ўринларига, ўз маблағларига, қолаверса, кучкудратига эга бўлиб, юртимиз иқтисодиётига салмоқли ҳисса қўшишига замин бўлмоқда.



Шунингдек, ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш ва уларнинг тадбиркорлик фаолиятларини йўлга қўйишлари учун кўмаклашиш мақсадида намунали бизнес-режалар тўплами электрон шаклда ҳар бир банкнинг интернет сайтларига жойлаштирилди.

Шу билан бирга, республикаимиздаги ҳар бир касб-хунар коллежига тижорат банкларининг раҳбар ходимлари бириктирилган бўлиб, улар томонидан коллеж битирувчилари билан тадбиркорликни йўлга қўйиш, банк хизматлари кўрсатиш, кредитлар ажратиш тартибларини тушунтириш мақсадида мунтазам учрашувлар ўтказилмоқда.

Хусусан, касб-хунар коллежлари ва академик лицей битирувчиларининг бандлигини таъминлаш, уларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, битирувчиларга микромолиявий хизматлар кўрсатиш орқали янги иш ўринлари яратиш, уларнинг мустақил ҳаётда ўз ўринларини топши ва бизнес фаолиятини йўлга қўйишда ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида турли кўрик-танловлар ўтказиб келинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус касб-хунар таълими маркази, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ва тижорат банклари ҳамкорлигида 2011 йилдан буён ўтказилаётган «Менинг бизнес-ғоям» танлови шундай лойиҳалардан биридир. Ўтган йили ёшларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этишга йўналтирилган лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида мазкур танловнинг 28 нафар голибига 312 млн. сўмдан зиёд микрокредит олиш учун сертификат берилган.

Танловнинг туман босқичларида 10 мингдан ортиқ йигит-қиз қизиқарли бизнес лойиҳалари билан иштирок этди. Улар орасидан энг яхши деб топилган 120 нафар иштирокчининг аҳолига хизмат кўрсатиш, чорвачилик, паррандачилик, боғдорчилик, қишлоқ хўжалиги

Ҳар бир тижорат банкининг интернет сайтида олий ўқув юрти талабаларига кредитлар ажратиш шартлари, берилган имтиёзлар ва уларни қизиқтирган бошқа маълумотлар жойлаштирилган. Амалга оширилган ишлар натижасида республика тижорат банклари томонидан 2014 йил давомида қарийб 20 минг нафар талабага жами 68 млрд. сўм миқдорида таълим кредитлари ажратилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 28 июлдаги «Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чоратадбирлар тўғрисида»ги 4232-сонли Фармони мувофиқ ҳамда ёшларни, айниқса, касб-хунар коллежлари битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб қилиш мақсадида банк тизимида тегишли чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилган бўлиб, ушбу дастурда ёшларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга оид барча вазифалар батафсил белгилаб олинган.

Мазкур фармонга мувофиқ, 2010-2014 йилларда тижорат банклари томонидан касб-хунар коллежлари битирувчиларига тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун 423,2 млрд. сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилган бўлса, биргина 2014 йилнинг ўзида эса ушбу йўналишда 200,9 млрд. сўм миқдорида кредитлар берилди.

Жорий йилда ҳам коллежларни битирувчи ёш тадбиркорларга тадбиркорлик соҳасида қўллаб-қувватлаш мақсадида катта аҳамият берилмоқда, натижада жорий йилнинг тўрт ойи давомида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 47 фоизга кўп, яъни 61,4 млрд. сўм кредит маблағлари ажратилган (**2-диаграмма**).

Бунда Марказий банк тавсияси асо-

## BANK VA TADBIRKOR

махсулотларини қайта ишлашга оид бизнес-гояси шаҳар босқичида кўриб чиқилди. Танлов доирасида ташкил этилган семинар-тренингларда мутахассислар ёшларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш, бизнес-режа тузиш ва банкдан кредит олиш тартиблари ҳақида батафсил маълумот берди.

### Абрам ҚУРБОНБОЕВ, Сергели тиббиёт коллежи битирувчиси:

– Танловда қурилиш корхоналари учун махсус кийим тайёрлашни йўлга қўйишга оид бизнес-режа билан иштирок этдим. Мазкур бизнес-режани тижорат банкларининг биз ёшлар учун берилаётган имтиёзли кредитларидан фойдаланиб амалга ошириш ниятим бор. Биз, ёшларга кўрсатилган алоҳида эътибор ва ғамхўрликдан миннатдоримиз.

Яна бир тадбиркор Гулноза «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан 2014 йилда ўтказилган «Менинг бизнес-гоям» танловининг мамлакат босқичида амалий санъат йўналиши бўйича голиб бўлиб, «Микрокредитбанк»нинг Юқори Чирчиқ тумани ўлимидан имтиёзли кредит олди. Ушбу маблағ эвазига тикув цехи очди. Айтиш керак, бундан бундан келинлар учун миллий либослар, кийим-кечак тикиш йўлга қўйилган. Гулноза беш нафар тенгдошининг ҳам бандлигини таъминлади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик равнақ топиб, тадбиркорлар сафи кенгаётгани ички бозорни рақобатбардош махсулотлар билан тўлдириш, ёшларни иш билан таъминлаш ва шу аснода уларнинг муносиб даромад топиши, турмуш фаровонлиги ошишида муҳим омил бўлмоқда.

### Тадбиркор аёлларнинг бизнес лойиҳалари банкларнинг молиявий кўмагида муваффақиятли амалга оширилмоқда

Мамлакатимизда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, интилиш ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Президентимизнинг 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чоратадбирлар тўғрисида»ги Фармони бу борада муҳим дастуриламал бўлаётди. Мазкур ҳужжат ижроси доирасида амалга оширилаётган ишлар хотин-қизларнинг ўз қобилият ва салоҳиятини тўла намоён этиши учун кенг имкониятлар яратмоқда.

Оилавий бизнесни ташкил этиш, тадбиркорлик билан шуғулланаётган хотин-қизларнинг ҳуқуқий, тадбиркорлик борасидаги билим ва малакасини

ошириш мақсадида республика миқёсида барча ҳудудларида давра суҳбати ва семинарлар ўтказилмоқда. Уларда хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантириш, мазкур йўналишда иш бошлаш арафасида турган опа-сингилларимизга бизнесни ташкил этиш, ҳужжат юритиш, солиқ имтиёзлари, кредит олиш ва бошқа масалалар юзасидан мутахассислар кўмагида зарур тавсия ва маслаҳатлар берилмоқда.

Биргина тижорат банклари томонидан 2014 йилнинг ўзида тадбиркор аёлларга салкам 1 трлн. сўмга яқин кредитлар ажратилиб, 2013 йилга нисбатан ушбу кўрсаткич қарийб 1,4 баробарга ўсиши таъминланди.

Жорий йилнинг 1 май ҳолатига тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлашга тижорат банклари томонидан ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 33 фоиз кўп, яъни 413,5 млрд. сўм кредит маблағлари йўналтирилди. Бу эса, ўз навбатида, мамлакатимиздаги минглаб аёлларнинг ўз мустақил фаолиятига, даромад манбаига эга бўлишларини, оилаларнинг бюджети янада шаклланишига ва турмуши фаровонлашишига хизмат қилиши, шубҳасиз (**3-диаграмма**).

Тижорат банклари мазкур маблағларни ажратишда қишлоқ жойларда аёллар томонидан бошқарилаётган, уларнинг меҳнатидан фойдаланаётган кичик корхоналарни ривожлантириш, қишлоқ хўжалик махсулотларини етиштириш ва қайта ишлашни рағбатлантириш, касаначилик ва янги иш ўринларини яратишга қаратилган лойиҳаларни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.



Аҳамиятлиси саноат, қишлоқ хўжалиги, хизмат кўрсатиш соҳаларига йўналтирилаётган мазкур кредит маблағлари минглаб аёлларнинг бизнес лойиҳаларини амалга ошириш имконини беряпти. Саъй-ҳаракатлар натижаси ўлароқ, кўплаб янги иш ўринлари яратилмоқда.

Тошкент вилояти Бекобод шаҳри Самарқанд маҳалласида яшовчи Ўғилой Мирзамуродова ана шу имкониятлардан унумли фойдаланиб, 2007 йилда «Зулфия Бону чевар» тикувчилик цехига асос солди. Ушбу мўъжаз корхонада болалар кийими, мактабгача таълим ва тиббиёт муассасалари учун махсус чойшаблар ҳамда бошқа трикотаж махсулотлари тайёрланмоқда.

### Ўғилой МИРЗАМУРОДОВА, «Зулфия Бону чевар» МЧЖ раҳбари:

– Дастлаб икки нафар тикувчи-бичувчи билан иш бошлаган эдик. Махсулотларимиз қисқа фурсатда ўз харидорини топди. Шу боис, ишлаб чиқариш қувватини ошириш мақсадида банкка мурожаат этдик ҳамда 28 млн. сўмлик кредит маблағи ҳисобига янги иш ўринлари ташкил этишга киришдик. Давлатимиз томонидан хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантиришга қаратилаётган алоҳида эътибор туфайли шундай натижаларга эришмоқдамиз. Айтиш керак, пайтда цехда ўндан зиёд ёш қизлар меҳнат қилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки республика Бош прокуратураси, Савдо-саноат палатаси, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар билан ҳамкорликда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида ўтказилаётган амалий учрашувлар, давра суҳбатлари, семинарлар ҳам ўз самарасини бермоқда.

Амалга оширилган ишлар натижасида сўнгги 10 йил мобайнида соҳа субъектларига ажратилган кредитлар ҳажми 21 баробарга, микрокредитлар ҳажми эса 42 баробарга ўсди ва тадбиркорларнинг кредитлардан фойдаланиш имкониятлари сезиларли даражада кенгайди. Биргина 2015 йилнинг январь-апрель ойларида тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига барча молиялаш манбалари ҳисобидан ажратилган кредитлар 3,8 трлн. сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 32 фоиздан ошди. Шу жумладан, микрокредитлар ҳажми 2014 йилнинг шу даврига нисбатан 1,3 баробарга ошди, 774,7 млрд. сўмни ташкил этди.

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилаётган алоҳида эътибор ушбу тармоқни янада тараққий эттириш, бандлик масаласини ҳал этиш, аҳолини арзон ва сифатли халқ истеъмоли моллари билан узлуксиз таъминлашда юксак самаралар бераётди. Яратилаётган шароит ва имкониятлардан унумли фойдаланаётган тадбиркорлар молия муассасаларининг имтиёзли кредит маблағлари эвазига хоризж технологияси асосида замонавий ишлаб чиқариш корхоналарини ишга туширмоқда.

**Мухтор ШОНАЗАРОВ,  
Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Тижорат банкларининг инвестиция портфелини мониторинг қилиш департаменти бошқармаси бошлиғи ўринбосари.**

## Обод қишлоқнинг тадбиркор ёшлари

**Бугун ўз бизнесини йўлга қўйиб, оиласига ва эл-юртимизга наф келтираётган ёшлар сафи тобора кенгайиб бормоқда.**

Самарқанд вилояти Нарпай туманининг Чақар қишлоғига анчадан бери бормагандим. Яқинда шу қишлоқда бўлиб, очиги, уни таний олмадим. Эски дўкон ўрнида замонавий тўйхона, пастқам емакхона ўрнида кўркам савдо маскани, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш шохобчаси, «Гўзаллик салони» қад ростлабди. Уларда ишлаётганлар билан қизиқдим – ҳаммаси қишлоқ ёшлари.

«Гўзаллик салони» – турмуш маданиятининг ўзига хос кўзгуси сифатида қишлоқларимиз ҳаётига тобора чуқур кириб бормоқда.

Бир пайтлар Чақар қишлоғида Вали сартарошникдан бўлак сартарошхона бўлмасди. У ердаги шароит ҳам ҳаминқадар эди.

– Ҳозир одамларни на кўчадан, на уйдан топасиз. Ҳамма иш билан банд, – дейди **Вали ака**. – Соч-соқол олдиригани киргани ҳам шошганича чиқиб кетишади.

Вали ака билан суҳбатлашиб ўтириб, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш шохобчасида ишлаётган ёшлар эътиборимни тортди.

– Яқинда иш бошлашди, – дейди сартарош фикримни уққандек. – Коллежни бултур тамомлаган бўлишига қарамай, қўли гул экан азаматларнинг, бу ерга келувчи машиналарнинг кети узилмай қолди.

– Коллежни битираётганимда «Камолот» фаоллари тадбиркорликка қизиқувчи ёшлар учун танлов ўтказилаётганини айтишди, – дейди **Ўзини Зоҳидбек Сайимов деб таништирган йигит**. – Танловда қишлоғимизда автомобилларга техник хизмат кўрсатиш шохобчаси очишга оид бизнес-лойиҳам билан иштирок этдим ва биринчи ўринни эгалладим. Шу асосда банкдан имтиёзли кредит олиб, иш бошладик.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ва қатор тижорат банклари ҳамкорлигида касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар битирувчилари ўртасида 2011 йилдан буён ўтказиб келинаётган «Менинг бизнес-гоям» танлови мамлакатимиз ёшларининг ўз бизнес фаолиятини йўлга қўйишида катта имконият бўлди. Уч босқичли мазкур танлов битирувчиларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш, яқка тартибдаги меҳнат фаолияти, касаначиликни ривожлантириш ҳамда уларга микромолиявий хизматларни кўрсатиш орқали янги иш ўринлари яратишда ҳар томонлама қулай замин туғдирмоқда.

Ўтган даврда танловга 233 мингдан ортиқ касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар битирувчиси жалб қилинди. Танлов доирасида 1405 ёшга 8 млрд. сўм, шундан 2014 йилда 500 иштирокчига 3,9 млрд. сўм миқдорида микрокредитлар ажратилишида кўмаклашилди. Натижада 3 мингдан ортиқ йигит-қиз иш билан таъминланди.

«Камолот»нинг тадбиркорликка қизиқувчи ёшларни қўллаб-қувватлаш мақсадида 2008 йилдан буён амалга ошириб келаётган «Ёш тадбиркор – элга мададкор» лойиҳаси ҳам ёшларга кенг имкониятлар яратмоқда. Ушбу лойиҳада 18-30 ёш оралиғидаги ёшларни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб қилиш мўлжалланган.

«Ёш тадбиркор – элга мададкор» лойиҳаси доирасида ҳудудий ва мамлакат босқичи голибларига энг кам ойлик иш ҳақининг 50 баробаридан 500 баробаригача бўлган миқдорда, Марказий банк қайта молиялаштириш ставкасининг 50 фоизидан юқори бўлмаган фоизларда кредитлар ажратилишига кўмаклашилади. Мазкур танловнинг ташкил этилаётган шу турдаги лойиҳалардан фарқи шундаки, мамлакат босқичида голибликни қўлга киритган ёш тадбиркорнинг кредит фоизлари «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши томонидан тўлаб берилади.

2014 йилда 35 нафар ёш шундай имтиёзни қўлга киритди. Уларга қарийб 1 млрд. сўм миқдорида кредитлар берилди.

Ҳа, юртимизда ёшларнинг муваффақиятли бизнес юриши учун барча шароит яратилмоқда. Мазкур саъй-ҳаракатлар самарасида ҳар йили касб-ҳунар коллежларини тамомлаётган 500 мингдан ортиқ битирувчининг кўпчилиги ўз фаолиятини ташкил этмоқда. Бу Президентимиз раҳнамолигида тадбиркорлар, айниқса, ёш тадбиркорларнинг фаолиятини ҳар томонлама рағбатлантириш бўйича амалга оширилаётган кенг кўламли ишларнинг амалдаги ифодасидир.

## IQTISODIYOT TARMOQLARIDA

### Инновация — ривожланишни белгиловчи омил

Мунтазам ўтказиб келинаётган фан ва ишлаб чиқариш ўртасидаги кооперацион алоқани таъминлашнинг амалий механизмига айланиб улгурган инновацион гоёлар, технологиялар ва лойиҳалар республика ярмаркаси бу йил VIII маротаба ўтказилди.

Давлат, фан, ишлаб чиқариш ва бизнесни самарали бирлаштиришнинг ажойиб имкониятини яратиб бераётган ва ўзида инновация жараёни иштирокчиларини қўллаб-қувватловчи ўзаро ҳаракатларнинг барча даражаларини муваффақиятли мужассамлаштириб келаётган мазкур тадбирда бу йил 25 млрд. сўм миқдорига тенг 1 200 та шартнома имзоланди.

Инновацион гоёлар, технологиялар ва лойиҳалар республика VIII ярмаркасида инновацион ишланмалар анъанавий 5 та «Саноат», «Ахборот технологиялари», «Соғлиқни сақлаш ва фармацевтика» «Қишлоқ хўжалиги» ҳамда «Фан ва таълим» йўналишлари бўйича намойиш этилди. Унда жами 600 та инновацион гоё ва ишланмалар оммага таништирилди.

– Бу йилги кўргазмага автотранспортни мониторинг қилиш, яъни объектнинг

қаерда ҳаракатланаётганини кўрсатиб турувчи миллий маҳсулотимиз билан иштирок этаймиз, – дейди «UZGPS» компаниясининг менежери Роман Шитиков. – Бизнесинг маҳсулот синондан ўтказилиб, ҳозирда «Ўзтрансгаз», «Ўзтелеком» каби компанияларда тижорат асосида ишламоқда. Бундан ташқари, лойиҳани такомиллаштириб ижтимоий ҳаётга ҳам жорий этиш устида изланишлар олиб борилмоқда.

Маҳаллий ишлаб чиқарувчи ва тадбиркорлар, хорижий ва халқаро жамғармалар диққатини ва молиявий маблағларини республикамиз илмий ташкилотлари ҳамда олий таълим муассасалари томонидан ишлаб чиқилган энг илгор технологияларга жалб этиш мақсадида янги йўналиш – «Юқори технологиялар» ташкил этилиб, ген инженерияси, хужайра технологиялари соҳаларидаги



инновацион технологиялар ҳам тақдим этилди.

– Бугунги ярмаркада 30 тан зиёд лойиҳаларимиз билан иштирок этаймиз, – дейди Тошкент давлат иқтисодиёт университети илмий бўлим катта илмий ходими Жамшид Имомов. – «Қишлоқ хўжалиги корхоналарида миллий брендларни шакллантириш услубияти» лойиҳаси ҳам шулар жумласидандир. Мазкур лойиҳа қишлоқ хўжалиги корхоналарини инновацион ривожлантиришда соҳада миллий брендлар сиёсатини шакллантириш ва уни такомиллаштириш, халқаро бозорда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг миллий бренд қийматини ошириш бўйича илмий

таклиф ва тавсиялар бериш, шунингдек, рақобат бозорида янги замонавий изланувчан профессионал кадрлар тайёрлаш мақсадида таълим муассасалари ва амалиётчилар учун ўқув ҳамда услубий қўлланмалар яратиш ҳамда бренд сиёсатини самарали жорий қилишга, қишлоқ хўжалиги ва мазкур соҳа маҳсулотларини қайта ишловчи корхоналарга мўлжалланган. Унинг ўртача иқтисодий самарадорлиги 70 фоиздан ортиқ. Илмий изланишнинг амалий натижалари мамлакат иқтисодиёти, тадбиркорлар ва истеъмолчилар учун ўзининг ижобий самарасини беради. Мухим жиҳатларидан яна бири истеъмолчиларнинг маҳсулотлар хариди

учун кетадиган вақтини ва маблағини тежашга хизмат қилади.

Кўргазмада саноат корхоналари, тадбиркорлар ва кичик бизнес вакиллари учун яна бир янги «Энергетика ва ресурс тежамкор технологиялар» йўналиши ташкил этилди. Энергия ва ресурсларни тежаш, қайта тикланган энергия манбаларидан фойдаланишнинг самарали усуллари бўйича 50 та ишланма омма эътиборига ҳавола қилинди.

Бундан ташқари, ярмарка доирасида ёш олим ва талабаларнинг 70 та ишланмаси, ёшларнинг инновацион гоёлари республика танлови ҳам ўтказилди.

Рашид МИРЗАКАРИМОВ

### Лизинг хизматлари салмоғи ошмоқда

Пойтахтимизда фермер хўжаликларини техника билан таъминлаш ҳамда уларга хизмат кўрсатиш сифатини такомиллаштириш масалаларига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

«Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг» акциядорлик лизинг компанияси томонидан ташкил этилган тадбирда компания бошқаруви раиси Нодир Отажонов сўз олиб, бугунги кунда муассаса томонидан республикамизда 36 мингдан ортиқ фермер хўжаликлари, машина-трактор парклари, муқобил машина-трактор парклари ҳамда «Ўздонмаҳсулот» акциядорлик компанияси, «Ўзпахтасаноат» уюшмаси ва «Қишлоқхўжаликкимё» давлат акциядорлик жамияти таркибидаги корхоналарга хизмат кўрсатилаётганини таъкидлади. 2001-2014 йилларда компания томонидан уларга қиймати 1 трлн. 400 млрд. сўмдан зиёд бўлган 57 минг 400 дан ортиқ техника воситаси етказилганини, жорий йилнинг биринчи чорагида эса, қарийб 40 млрд. сўмлик 990 донна техника лизингга берилганини айтиб ўтди.

«Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг» компанияси мамлакатимиздаги лизинг берувчи субъектлар орасида етакчилардан бири саналади. 2014 йил якунлари бўйича муассасанинг лизинг портфели 570 млрд. сўмни, даромади 40 млрд. сўмни, қўлга киритган соф фойдаси эса, 10,3 млрд. сўмни ташкил этди. Компания ушбу даврнинг ўзида қишлоқ хўжалигига 735 донна техника етказиб берди.

Президентимизнинг 2014 йил 15 майдаги «Қишлоқ хўжалигининг машинасозлик корхоналарини бошқаришни янада такомиллаштириш ва молиявий соғломлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори талабларидан келиб чиқиб, республикамизда қишлоқ хўжалик техникаларини ишлаб чиқаришни кучайтиришда эътиборга молик ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, тадбирда «Тошкент қишлоқ хўжалиги техникаси заводи» Жанубий Кореянинг «ЛС-Мтрон» компанияси билан ҳамкорликда «ТТЗ-100НС» русумли чопиқ тракторлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйгани, «Ўзагросаноатмашхолдинг» компанияси қишлоқ хўжалигида самарали бўлган ўндан ортиқ турдаги техника воситалари ва агрегатларни ишлаб чиқариш бўйича жаҳондаги етакчи ком-



паниялар билан ҳамкорлик қилаётгани мамнуният билан таъкидланди.

Бундан ташқари, «Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг» компанияси боғдорчилик билан шуғулланувчи фермер хўжаликларини мини тракторлар ва кимёвий ишлов берувчи агрегатлар билан таъминлаш мақсадида мини тракторлар етказиб бериш мақсадида «ЎзКейсмаш» ва «Агромаш саноат инвест» корхоналари, кимёвий пуркаш агрегатларини етказиб бериш бўйича «Агрохим» кўшма корхонаси билан ҳамкорлик қилаётгани, фермер хўжаликларига кўрсатилаётган сервис, лизинг ва маслаҳат хизматларини тораба такомиллаштиришмоқда.

– Лизинг фаолиятида иккита муҳим тамойил мавжуд, – дейди Н.Отажонов. – Булар лизинг муддати даврида лизинг объектини бус-бутун сақлаш ва лизинг фоизини ўз вақтида тўлашдан иборатдир. – Шундан келиб чиқиб, компаниямиз ўзининг барча минтақавий филиалларини (улар сони 13 та) техник-механик мутахассислар билан етарли даражада (улар умумий ишчи-ходимларнинг 40 фоизини ташкил этади) таъминлаган, техник-мониторинг ишларини ҳам намунали йўлга қўйган.

Анжуманда 2001-2015 йилларда лизинг фоизи йиллик 12 фоиздан 4,5 фоизгача арзонлашгани, лизингга берилаётган техникалар тури 50 тага етказилгани маълум қилинди.

Эъзоз КАМОЛОВА.

### IT бозоридаги янги ютуқлар

«Intel» корпорацияси ўз ҳамкорлари ва дистрибуторлари учун Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг турли шаҳарларида баҳор мавсумидаги «Intel Channel Day – 2015» номли конференциясини ўтказмоқда.

Айнан шундай тадбирлардан бири мамлакатимиз пойтахтида ҳам ташкил этилди. Унда республикамиз бозорларида фаолият юритаётган 50 дан зиёд компанияларнинг вакиллари иштирок этди.

Тадбирни МДХ маҳаллий ҳамкорлар ва дистрибуциялар бизнесини ривожлантириш бўйича директори Виктория Евтушенко ўз маърузаси билан очиб берди.

– 2015 йилнинг 19 апрелида Мура қонуни яратилганига 50 йил тўлди, – дейди у. – Ўтган йиллар мобайнида электроника саноати соҳаси ушбу қонунга асосан ишлади, транзисторлар, кристалга интеграл схемани жойлаштириш сони 2 йилда икки ҳисса ортди. 2015-2016 йиллар давомида компаниямиз томонидан янги маҳсулотлар ишлаб чиқарилиши режалаштирилгани хусусида айтиб ўтсам. SoFIA (Smart-or Feature-phone on IA, Intel процессорлари асосида лойиҳалаштирилган смартфонлар) мобиль алоқа модеми ва процессори битта кристалда бирлаштирилгани стратегиядаги муҳим ишлардан бири бўлди. Корпорация келгусида асосий эътиборини смартфон бозорини ривожлантиришга ва шу қаторда нархи қиммат бўлмаган микросхемаларни тақдим этишга қаратмоқда. Шунингдек, ташкилотнинг истиқболдаги режасига кўра, бошланғич ва ўрта даражадаги планшетлар, маълумот ташишга мўлжалланган технологиялар, интернет техникалари ва бошқа йўналишларда иш олиб бориши мўлжалланмоқда.

Шундан сўнг фойдаланувчилар учун янги Intel® RealSense™ интерфейс қурилмасининг тақдими ҳамда сервер маҳсулотларини ривожлантириш, IoT бозори ва МДХ мамлакатлари бозорининг таҳлили намойиш қилинди.

Шу билан бирга, мутахассислар томонидан корпорациянинг маркетинг дастурлари, янги Intel мобиль платформаси, таълим соҳасидаги янги қурилма – Intel® Compute Stick, HDMI интерфейси билан ҳар қандай дисплей Windows – компьютерига уланиш имконини берувчи дастур тўғрисида ҳам маълумотлар берилди. Конференция давомида ташириф буюрганлар IT бозоридаги турли янгиликлар билан ҳам танишди.

Ёрқин ОЧИЛОВ.



STATISTIKA

	Ўлчов бирлиги	01.04.2013	01.04.2014	01.04.2015	фоизда
<b>ЎзРТХБдаги битимлар умумий ҳажми</b>	млрд. сўмда	1 570,5	1 989,8	2 010,1	101,0
<b>Биржа савдоларидаги битимлар ҳажми</b>	млрд. сўмда	1 399,1	1 681,70	1 620,0	96,3
шундан: юқори нархланган маҳсулотлар (БМК №57)	млрд. сўмда	1 192,0	1 464,80	1 416,30	96,7
биржа савдоларининг ЎзРТХБ битимлари умумий ҳажмидаги улуши	фоизда	89,1	84,5	80,6	
юқори нархланган маҳсулотларнинг ЎзРТХБ битимлари умумий ҳажмидаги улуши	фоизда	75,9	73,6	70,5	
биржа савдоларида иштирок этувчи ишлаб чиқарувчиларнинг қўшимча даромадлари	млрд. сўмда	462,7	672,8	471,2	70,0
КБ ва ХТ субъектлари томонидан сотиб олинган маҳсулотлар	млрд. сўмда	602,8	885,4	1 111,1	125,5
КБ ва ХТ субъектлари томонидан сотиб олинган маҳсулотларнинг маҳсулотлар реализацияси умумий ҳажмидаги улуши	фоизда	38,4	44,5	55,3	
КБ ва ХТ субъектлари томонидан реализация қилинган маҳсулотлар	млрд. сўмда	150,7	273,2	401,4	146,9
КБ ва ХТ субъектлари томонидан реализация қилинган маҳсулотларнинг маҳсулотлар реализацияси умумий ҳажмидаги улуши	фоизда	9,6	13,7	20,0	
<b>Кўргазма-ярмарка савдоларидаги битимлар ҳажми</b>	млрд. сўмда	116,6	174,9	231,1	132,1
<b>Экспорт</b>	млрд. сўмда	82,5	92,4	38,3	41,5
<b>Давлат харидлари бўйича битимлар ҳажми</b>	млрд. сўмда	54,8	66,0	78,3	118,6
бюджет маблағларининг тежалиши	млрд. сўмда	11,5	18,0	22,0	122,2
бюджет маблағларининг бошланғич нархга нисбатан тежалиши	фоизда	17,3	21,4	22,0	
маҳсулот етказиб берувчилар (иш, хизмат)	бирликда	9 408	10 528	34 814	330,7
жумладан: кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари	бирликда	7 930	8 745	34 224	391,4
КБ ва ХТ субъектларининг етказиб берувчиларнинг умумий сонидagi улуши	фоизда	84,3	83,1	98,3	
битимларнинг ўртача нархи	минг сўмда	1 045,4	1 500,0	1 700,0	113,3
<b>Корпоратив харидлар бўйича битимлар ҳажми</b>	млрд. сўмда		67,2	80,7	-
пул маблағларининг тежалиши	млрд. сўмда		15,6	18,4	-
пул маблағларининг бошланғич нархга нисбатан тежалиши	фоизда		18,9	18,6	
битимларнинг ўртача нархи	минг сўмда		19 274,4	19 400,0	100,7



Ахборот ва статистика бўлими томонидан ЎзРТХБ (www.uzex.uz) материаллари асосида тайёрланди.

Тадбирда мамлакатимиз вазирилик ва идоралар вакиллари, шунингдек, етакчи ахборот агентликлари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Тақдимот БМТ Бош котиби ўринбосари ҳамда ЭСКАТО ижрочи котиби доктор Шамшад Ахтарнинг видео-мурожаати билан бошланди. Унда Осиё-Тинч океани минтақаси мамлакатлари барқарор ривожланишининг асосий йўналишлари ва вазифалари хусусида тўхталинди.

Осиё-Тинч океани мамлакатлари, дунёнинг бошқа минтақалари билан таққослаганда, ажойиб натижалар кўрсатишда давом этмоқда, — деди доктор Ахтар. — Минтақани барқарор ривожлантириш учун инклюзив иқтисодий ўсиш зарурдир. Бунда инклюзивлигини таъминлашда хусусий сектор муҳим роль ўйнаши керак. ЭСКАТО кичик ва ўрта корхоналарни ривожлантириш, қишлоқларни саноатлаштириш орқали муносиб иш ўринларини яратишга ҳисса қўшиш ва тенг имкониялар яратишни қў-

## Инклюзив иқтисодий ўсиш — барқарор ривожланишда зарур

Пойтахтимиздаги Иқтисодий тадқиқотлар марказида «Осиё-Тинч океани минтақасининг иқтисодий ва ижтимоий ривожини шарҳи-2015» тақдими бўлиб ўтди. Мазкур шарҳ Осиё-Тинч океани минтақаси учун БМТнинг Иқтисодий ва ижтимоий комиссияси (ЭСКАТО) томонидан тайёрланди.

лаб-қувватлайди.

Шарҳ хулосаларига кўра, 2015 йилда Осиё-Тинч океани минтақаси мамлакатларида сезиларсиз иқтисодий ўсиш суръати кузатилиб, 2014 йилдаги 5,8 фоиз ўрнига 5,9 фоизни ташкил этган. Шунингдек, асосан нефть жаҳон нархининг пасайиши туфайли инфляция суръатининг янада пасайиши ва келгусида унинг паст даражаси сақланиб туриши кутилаётгани, паст даражадаги инфляция минтақадаги кўпчилик мамлакатлар Марказий банклари фоиз ставкаларини янада камайтириш имконини бериб, бу тижорат банклари фоиз ставкалари даражасига ижобий таъсир кўрсатаётгани таъкидланди.

Тадбирда қайд этилгани-

дек, шу вақт ичида эришилган ривожланиш, энг аввало, ривожланаётган йирик мамлакатларда даромадларни қайта тақсимлаш билан боғлиқ тенгсизликнинг ортиши, шунингдек, самарали ва муносиб бандликнинг ўсиши билан бирга кечди. Бундан ташқари, эркаклар ва аёллар, шаҳар ва қишлоқ ҳамда турли ҳудудлар аҳолиси орасидаги инклюзивлик даражаси бўйича тенгсизлик сақланиб қолмоқда. Иқтисодий ўсиш салоҳиятини инфратузилма етишмаслиги ҳамда кўпчилик Осиё-Тинч океани минтақаси мамлакатларининг экспорти асосини ташкил этувчи хомашё ресурслари жаҳон нархларига ҳаддан ортиқ боғлиқлиги чекламоқда. Жаҳон иқтисоди-

ёти (талаб) қайта тикланиш жараёнларининг нобарқарор характери билан боғлиқ бўлган дунё савдоси ҳажмларининг пасайиши эса, қўшимча муаммоларни юзага келтирмоқда. Таълим ва соғлиқни сақлаш соҳасидаги сифатли хизматлардан фойдаланишни кенгайтириш, шунингдек, ижтимоий ҳимоя тизимини кучайтириш мақсадида ЭСКАТО давлат инвестицияларини ижтимоий соҳалар ривожланиши учун янада фаол йўналтириш лозимлигини тавсия қилмоқда. Бу мамлакатларга «даромадлар тенгсизлиги»га қарши курашиш билан чекланиб қолмай, «имкониятлар тенглиги»ни қўллаб-қувватлашга ёрдам беради.

Медиа-брифинг чоғида

Иқтисодий тадқиқотлар маркази экспертлари нафақат ЭСКАТОнинг Осиё-Тинч океани минтақаси мамлакатлари бўйича шарҳи натижаларини тақдим этишди, балки таъкидланган глобал ва ҳудудий муаммолар призмаси орқали Ўзбекистонда инклюзив ривожлантириш истиқболлари ва хусусиятларига атрафлича тўхталиб ўтди.

Хусусан, 2015 йилнинг 30 апрелида кенг жамоатчилик эътиборига ҳавола этилган Мингйиллик ривожланиш мақсадлари бўйича иккинчи миллий ҳисоботда (2015 йилдан кейинги давр учун) Ўзбекистон юқори даражадаги инклюзив ривожланиши билан ажралиб туради. Бунга эса чуқур таркибий ислохотлар, ижтимоий соҳалар ривожини кенг қўллаш давлат инвестициялари, кичик тадбиркорлик соҳаси барқарор ривожланишини рағбатлантириш ҳамда ҳудудий ривожланиш дастурларини амалга оширишга асосланган иқтисодий ўсиш модели туфайли эришилаётгани таъкидланди.

Назира МАВЛОНОВА.

## SUG'URTA BOZORI

## Натижа ва вазифалар таҳлили

«Ўзбекинвест» экспорт-импорт миллий суғурта компанияси (ЭИМСК)да муассасанинг 2015 йил биринчи чорадаги фаолияти якунларига бағишланган йиғилиш ўтказилиб, унда ҳисобот даврида суғурта хизматлари сифатини ошириш, минтақавий тузилмалар фаолиятини такомиллаштириш, кадрлар салоҳиятини юксалтириш, шунингдек, маҳаллий ва халқаро ҳамкорликни ривожлантириш, суғурта бозори талабларини ўрганишга қаратилган сазъ-ҳаракатлар ижобий натижа берганлиги қайд этилди.

Чунончи, 2015 йилнинг I чорада «Ўзбекинвест» ЭИМСК томонидан 14,7 млрд. сўм ҳажмида суғурта мукофотлари йиғилган бўлиб, бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 121,4 фоизга ўсган. Қабул қилинган суғурта мажбуриятлари 14,1 трлн. сўмни, тўланган суғурта қопламалари эса, 2,9 млрд. сўмни ташкил этган, 31 мингдан ортиқ суғурта шартномалари тузилган.

Тадбирда компания фаолиятида Давлатимиз раҳбари томонидан белгиланган 2015 йил учун иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўна-

гурта қилиш бўйича йиғилган суғурта мукофотлари ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 109 фоизга (ҳажми 1,03 млрд. сўм), иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаш бўйича 112 фоизга (ҳажми 0,9 млрд. сўм) ўсиши таъминланди.

Йиғилишда компания томонидан янги суғурта маҳсулотларини ишлаб чиқиш ва мавжудларини такомиллаштириш юзасидан олиб борилган чора-тадбирлар алоҳида таҳлил қилинди. Бу борада мижозлар талаб ва эҳтиёжидан келиб чиқиб,

**2015 йилнинг I чорада «Ўзбекинвест» ЭИМСК томонидан 14,7 млрд. сўм ҳажмида суғурта мукофотлари йиғилган бўлиб, бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 121,4 фоизга ўсган. Қабул қилинган суғурта мажбуриятлари 14,1 трлн. сўмни, тўланган суғурта қопламалари эса, 2,9 млрд. сўмни ташкил этган, 31 мингдан ортиқ суғурта шартномалари тузилган.**

лишлари бўйича ишлар тизимли равишда амалга оширилаётгани алоҳида таъкидланди. Хусусан, республикамизнинг 2015 йилдаги Инвестиция дастурига киритилган 32 та лойиҳа учун «Ўзбекинвест» умумий қиймати 12,2 трлн. сўмга тенг бўлган суғурта ҳимоясини тақдим этганлиги ва бу кўрсаткич таққосланаётган йилга нисбатан 125 фоизга зиёд бажарилганлиги маълум қилинди.

намунавий суғурта шартномаларининг 10 тасига ўзгартиришлар (индоссамент) киритилганлиги ва 22 та шартнома модернизация қилинганлиги айтиб ўтилди.

Бундан ташқари, жорий йилнинг биринчи чорада «Ўзбекинвест» компанияси томонидан «Суғурта хизмати тўловининг электрон услулари жорий этиш» лойиҳаси амалга оширилди. Мазкур лойиҳага



Шунингдек, ҳисобот даврида ушбу суғурта ташкилоти томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига 209 млрд. сўмдан ортиқ суғурта хизматлари кўрсатилган. Мазкур соҳадаги хўжалик корхоналарининг экспорт шартномаларини суғурталаш бўйича 22 млрд. сўм ҳажмида (ўсиш 198 фоиз) мажбуриятлар қабул қилинган.

Ўзбекистон Республикасининг «Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги ва «Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги Қонунлари ижроси юзасидан суғурта хизматларини кўрсатиш «Ўзбекинвест» ЭИМСКнинг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади. Бу борада амалга оширилган ишлар натижасида ҳисобот даврида муассаса томонидан транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий су-

асосан бир нечта электрон тўлов тизимлари орқали мижозларга масофадан туриб хизмат кўрсатиш имкони яратилди.

Йиғилишда «Кексаларни эъозлаш йили» Давлат дастури доирасида амалга оширилаётган ишларга ҳам эътибор қаратилди. Ушбу дастурдаги суғурта соҳасига тегишли бандлар ижросини таъминлаш бўйича компания томонидан чоратадбирлар режаси ишлаб чиқилганлиги, унга мувофиқ, бахтсиз ҳодисалардан суғурта қилиш ва тиббий суғурта бўйича шартномаларни тузишда кекса ёшдагилар учун чегирмалар ишлаб чиқилганлиги маълум қилинди.

Шунингдек, тадбирда ҳисобот даврида ҳудудий филиаллар томонидан йўл қўйилган камчиликлар танқидий муҳокама этилиб, уларни бартараф этиш юзасидан тегишли таклифлар ўртага ташланди.

**Эъоз КАМОЛОВА.**

## Қайта суғурталаш тизими самарали юритилмоқда

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида «Ўзагросуғурта» давлат-акциядорлик суғурта компанияси (АЖ) томонидан «Қайта суғурталаш сиёсати ҳамда унинг муассаса молиявий барқарорлиги ва ривожига таъсири» мавзуда анжуман бўлиб ўтди.

Тадбирда бугунги кунда республикамиз суғурта бозорида қайта суғурта тизими асосий воситалардан бири эканлиги, шу боис соҳанинг ушбу йўналишини ривожлантириш суғурта ташкилотлари фаолиятида муҳим аҳамиятга эгаллиги таъкидланди.

– Қайта суғурталаш қалтислиқни қабул қилиш билан боғлиқ иқтисодий муносабатлар тизими бўлиб, унда суғурталовчи мувозанатлашган суғурта портфелини яратиш ва суғурта операцияларининг молиявий барқарорлигини таъминлаш мақсадида қабул қилиб олинган рискнинг бир қисмини ўзаро келишилган ҳолда бошқа суғурталовчига бериши (рискни иккиламчи жойлаштириш) тушунилади, – дейди «Ўзагросуғурта» ДАСК Қайта суғурталаш департаменти бош менежери **Жавлон Ҳамидов**. – Суғуртанинг мазкур йўналишида шартномалар бир томондан суғурта компаниялари ўртасида ўзаро тузилиши ёки қайта суғурта брокерлари хизматидан фойдаланилган ҳолда келишув шартномаси асосида тузилиши мумкин. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига кўра, қайта суғурта қилишда суғурта товони ёки суғурта пулини тўлаш учун асосий суғурта



талаш бўйича ихтисослашган департамент мавжуд бўлиб, у ерда фаолият юритаётган ходимлар малакаси мунтазам ошириб келинмоқда.

Компания суғуртанинг мазкур соҳасида «Кирувчи» қайта суғурталаш йўналиши бўйича суғурта бозоридаги суғурта ташкилотлари томонидан таклиф қилинган рискларни тўғри баҳолаган ҳолда йирик қалтисликларни қайта суғуртага қабул қилмоқда, «Чиқувчи» қайта суғурталаш бўйича фаолият юритиб, қалтислик даражаси юқори бўлган ҳолатларни ички суғурта бозорида жойлаштирмоқда.

2013-2015 йиллар мобайнида компания республикамиздаги 26 та суғурта компанияси, 2 та маҳаллий ва 2 та хорижий қайта суғурта брокери билан ҳамкорлик шартномаларини тузди. 2013 йилда бошқа суғурта компанияларидан 744 тадан, 2014 йилда мингдан ортиқ ва 2015 йилнинг биринчи чорак якунларига келиб, 554 тадан

улардан қалтислик қабул қилиш мақсадида муассасамиз суғурта портфелидаги йирик қалтисликларни хорижий суғурта ташкилотларида жойлаштириш чора-тадбирларини амалга оширмоқда, – дейди **Ж.Ҳамидов**. – **Жумладан, айтилган пайтда компаниямиз ушбу мақсадда «InRe», «Скала» (Россия), «МОИ» (Қозғоғистон) қайта суғурта брокерлари билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатган. Европа суғурта бозорига чиқиш мақсадида эса, дунё бештадигига кирувчи Франциянинг «SCOR» қайта суғурта компанияси билан алоқа ўрнатиш мақсадида музокаралар олиб борилмоқда.**

Анжуманда компания олдида қўйган режанинг бажарилишида бевоқифа ўрин тутган суғурта турлари бўйича кирувчи қайта суғуртага келиб тушган мукофотларга эътибор қаратилиб, ушбу кўрсаткичларнинг ўсиш тенденцияси 2013-2014 йиллар давомида қуйидагича тавсифланди:

1-жадвал.

Молиялаштириш манбалари бўйича инвестициялар таркиби

Йиллар	Суғурта тури	Йиғилган мукофот сўмда	Ўсиш тенденцияси фоизда
2013 й.	Мол-мулк суғ.	428,3 млн.	466 фоиз, яъни
2014 й.	Мол-мулк суғ.	2,0 млрд.	4,50 баробар ошган
2013 й.	ИФЖМСҚ	1,07 млрд.	237,33 фоиз, яъни
2014 й.	ИФЖМСҚ	2,39 млрд.	2,3 баробар ошган
2013 й.	ТВЭФЖМСҚ	1,03 млрд.	567,29 фоиз, яъни
2014 й.	ТВЭФЖМСҚ	5,69 млрд.	5,50 баробар ошган
2013 й.	ОПО (ХОСК)	17,89 млн.	2106 фоиз, яъни
2014 й.	ОПО (ХОСК)	376,83 млн.	20 баробар ошган
2013 й.	СМР (ҚМК)	20,50 млн.	2736 фоиз, яъни
2014 й.	СМР (ҚМК)	561,03 млн.	20,7 баробар ошган

шартномаси бўйича суғурталанувчи олдидан суғурта компанияси жавобгар бўлиб қолаверади.

Тадбирда қайд этилганидек, бугунги кунда «Ўзагросуғурта» ДАСК тизимида қайта суғур-

зиёд йирик қалтисликлар бўйича суғурта мажбуриятларини бошқа суғурта компанияларидан қайта суғуртага олди.

– Чет эл суғурта бозорларида компания нуфузини ошириш ва

Унда шунингдек, 2014 йилда 10,00 млрд. сўмдан ортиқ суғурта товонлари тўлаб берилган бўлса, шундан 10 фоизи қайта суғурта тўловларига тўғри келганлиги маълум қилинди.

**Гулшан ЮСУПОВА.**

## DUNYOGA NIGOH



## «Raiffeisen Bank» соф фойдаси 48 фоизга қисқарди

«Raiffeisen Bank International»нинг биринчи чорақдаги соф фойдаси 83 млн. еврога тенг бўлди. Банк гуруҳининг ахборотида келтирилишича, бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 48,1 фоизга қисқарган.



РВининг соф фоиз даромади йиллик ҳисобда 16,2 фоизга камайган бўлиб, 820 млн. евродан иборат бўлди. Операцион фойдаси 16,9 фоизга қисқарди ва 1,118 млрд. еврога тўғри келди.

«Биринчи чорақда бизнесимиз кутилганидек ривожланиши керак эди. Бироқ жорий йилнинг илк ойларида валюта курсларининг ўзгарувчанлиги фавқулотда юқори даражани ташкил этгани шундай натижага олиб келди. Хусусан, Швейцария франки, рубль, гривна ва АҚШ доллари бизнинг сўнгги натижаларга сезиларли таъсир кўрсатди», – деди «Raiffeisen Bank International» раҳбари Карл Севельда.

## Қарзни қоплаш учун чора

Италиянинг «Massimo Zanetti Beverage Group» компанияси маҳаллий кофе ишлаб чиқарувчилар орасида биринчи бўлиб акцияларини биржага жойлаштирди.



У қимматли қоғозларининг 35 фоиздан кўпрогини сотувга қўйган.

Шу орқали компания қарийб 200 млн. евро миқдорида маблағ ишлаб олиб, унинг асосий қисмини қарзини қоплашга йўналтирмоқчи. Ҳақиқат, «Massimo Zanetti Beverage Group» 2014 йилни 440 млн. евро миқдоридаги қарз билан якунлаган эди.

## Ватикан банки 24 баробардан ортиқ фойда кўрди

Ўтган йилнинг якунига кўра, Ватикан банкининг соф фойдаси 24 баробарга ортган ва 69,33 млн. еврога тенг бўлди, дейилади мазкур муассаса хабарномасида.

2013 йилда Ватикан банкининг соф фойдаси 2,86 млн. еврога тўғри келган эди. Банкнинг хусусий сармояси эса 694,9 млн. еврога камайиб, 2013 йилда ушбу кўрсаткич 720,04 млн. евродан иборат эди.




## АҚШнинг апрель ойидаги кўрсаткичлари маълум

АҚШ дефляциясининг апрелдаги миқдори йиллик ҳисобда 0,2 фоизни, ойлик ҳисобда эса 0,1 фоизни ташкил қилди, дейилади мамлакат Меҳнат вазирлиги расмий хабарномасида.

Reuters агентлиги томонидан сўров ўтказилган таҳлилчилар йиллик ва ойлик дефляция миқдори 0,1 фоизлигича сақланиб қолишини тахмин қилган эди. Март ойида йиллик ҳисобда 0,1 фоиз дефляция ва ойлик ҳисобда 0,2 фоиз инфляция даражаси қайд этилган эди.

Базавий инфляция, яъни озиқ-овқат маҳсулотлари ва энергия ташувчи маҳсулотлардан ташқари ҳисобланган кўрсаткич апрель ойида 0,3 фоизни ташкил қилган. Йиллик ҳисобда эса ушбу натижа март ойидагидек 1,8 фоиздан иборат бўлди.

Озиқ-овқат маҳсулотларининг нархида апрель ойида ноль даражасидаги динамика кузатилган бўлиб, энергия ташувчи маҳсулотларда эса 1,3 фоиз тушиш қайд этилган. Энергия ташувчиларнинг нархи йиллик ҳисобда 19,4 фоизга арзонлашган бўлиб, озиқ-овқат эса, аксинча, 2 фоиз ўсган.




## ХВФ харажатлар сметасини тасдиқлади

Халқаро валюта фонди (ХВФ) 2015/2016 йил учун маъмурий бюджет маблағи ҳажмини 1,052 млрд. АҚШ доллари миқдорида этиб тасдиқлади, дейилади муассаса баённомасида.

2014/2015 молия йилида ХВФ маъмурий маблағи 1,027 млрд. АҚШ долларини ташкил этган бўлиб, айти пайтда умумий бюджет харажатлари лимити 1,29 млрд. АҚШ долларига тенг бўлган.

Фонд берган хабарга кўра, ташкилотнинг бюджети айти кунларда долларнинг курси бўйича ҳисобланган тақдирда 2016/2017 молия йилида 1,07 млрд. АҚШ доллари ва 2017/2018 молия йилида 1,095 млрд. АҚШ доллари миқдорида бўлиши кутилмоқда.

Бундан ташқари, ХВФ 2015/2016 молиявий йили учун 42,1 млн. долларилик инвестицион режани тасдиқлади. Ушбу маблағ фонднинг капитал таъмирлаш ишлари ҳамда инновацион технологиясига йўналтирилди. ХВФ курилиш лойиҳаларига 14,4 млн. АҚШ доллари, қолган 27,7 млн. эса ахборот-коммуникация технологияларига тақсимланганидан бўлди.




## ОАВ: Швейцария банк сирини ошкор қиладими?

Sonntagszeitung нашрида ёзилишича, Швейцариянинг Федерал солиқ хизмати мамлакат банкларида ҳисоб рақамга эга хорижий солиқ тўловчиларнинг исм-шарифини маълум қилади.

Нашрда келтирилишича, Россия, Франция, Германия, Ҳиндистон ва бошқа мамлакатлар ҳукуматлари хизматга кўп маротаба сўровнома билан мурожаат қилиб, Швейцарияда ҳисобвараққа эгалиги тахмин қилинаётган, солиқ тўлашдан бўйин товлаётганларнинг маблағлари ҳақида маълумот олишни истаган. Шу боис, мазкур идора уларнинг номларини эълон қилишга қарор қилди.

Маълумотлар интернетда очиқ жойлаштирилиб, исмлари эълон қилинган шахслар томонидан у ҳақидаги ахборот ошкор этилгани сабабли суд тартибиде даъво аризаси билан чиқувчиларнинг сафи кенгайиши мумкинлиги тахмин қилинади нашрда.

Маълумотларга қараганда, ҳукуқбузарлар орасида Германия империясининг илк рейхсканцлери Отто фон Бисмаркнинг авлоди сингари машҳур инсонлар ҳам йўқ эмас.



## ХАВАРЛАР, VOQEALAR

ЭЪЛОН



ХУРМАТЛИ АКЦИЯДОРЛАР!

Сизга чет эл капитали иштирокидаги «Hamkorbank» акциядорлик-тижорат банки акциядорларининг навбатдаги умумий йиғилиши 2015 йил 6 июнь куни соат 10<sup>00</sup>да Андижон шаҳар, Бобур шоҳқўчаси, 53-уйда жойлашган «Хамкор» бизнес марказида ўтказилиши маълум қилинади. Банк акциядорларининг умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар рўйхати 2015 йил 2 июнь кун ҳолатига тузилади.

## Умумий йиғилиш кун тартиби:

1. Банкнинг 2014 йил\* фаолияти яқунлари, 2015 йилда банк фаолиятини янада ривожлантиришнинг асосий йўналишлари тўғрисидаги Бошқарув ҳисоботи.
2. Банк Кенгашининг 2014 йил фаолияти бўйича ҳисоботи.
3. Банкнинг 2014 йил фаолияти бўйича банк Тафтиш комиссиясининг хулосасини тинглаш.
4. Банкнинг 2014 йил фаолияти яқунлари бўйича ташқи аудитор хулосасини эшитиш ҳамда банкнинг 2014 йил якуни бўйича молиявий ҳисоботларини тасдиқлаш.
5. 2014 йил фаолияти якуни бўйича банк фойдасини тақсимлаш.
6. 2014 йил фаолияти якуни бўйича банк акцияларига дивидендлар тўлаш.
7. Эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш.
8. Банк устав капиталини ошириш мақсадида қўшимча акцияларни чиқариш бўйича қарор қабул қилиш ваколатини банк Кенгашига бериш.
9. Банк уставига ўзгартиришлар киритиш.
10. «Банк акциядорларининг умумий йиғилиши тўғрисида»ги низомнинг янги таҳририни тасдиқлаш.
11. «Банк Кенгаши тўғрисида»ги низомнинг янги таҳририни тасдиқлаш.
12. «Банк Бошқаруви тўғрисида»ги низомнинг янги таҳририни тасдиқлаш.
13. «Банк тафтиш комиссияси тўғрисида»ги низомнинг янги таҳририни тасдиқлаш.
14. Банкнинг янги ташкилий тузилмасини тасдиқлаш.
15. Умидсиз активларни ҳисобдан чиқариш.
16. Ҳисобланган, лекин белгиланган муддатда (3 йилдан ортиқ) талаб қилиб олинмаган дивидендларни банкнинг тақсимланмаган фойдаси ҳисобига қайтариш.
17. Банк Тафтиш комиссиясининг янги таркибини сайлаш.
18. Банк Кенгашининг янги таркибини сайлаш.
19. Банк Кенгашининг 2015 йил учун харажатлар сметасини тасдиқлаш.
20. Банк Тафтиш комиссиясининг 2015 йил учун харажатлар сметасини тасдиқлаш.
21. Бошқарув Раиси билан тузилган шартнома муддатини узайтириш.

\* Умумий йиғилишга оид ҳужжатлар билан танишиш учун банкнинг Бош офисига мурожаат қилишингиз мумкин. Манзил: Андижон вилояти, Андижон шаҳри, Бобур шоҳқўчаси, 85-уй.  
\* Умумий йиғилишга қатнашчиларини – жисмоний шахс бўлган ҳолда паспорт ёки вакили қатнашган ҳолда эса нотариал тарзда тақдим қилинган ишончномага асосан, юридик шахс бўлган ҳолда эса уларни вакиллари қўшимча равишда ишончнома билан келишлари сўралади. Акциядорларни рўйхатга олиш соат 9<sup>00</sup>дан бошланади.

Маълумот учун телефонлар: 0(374) 298-04-33; 8 800 1-200-200.

Банк Ахборот хизмати.

Хизматлар лицензияланган.

## Иштиёқ бўлса, иш кўп

Самарқандда бўш иш ўринлари ярмаркаси бўлиб ўтди.

Вилоят ҳокимлиги, прокуратура ҳамда меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда 300 дан ортиқ корхона, ташкилот, муассаса 3 минг 800 бўш иш ўрни билан қатнашди.

– 2015 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури асосида вилоятимизнинг барча туман, шаҳарларида йил бошидан буён 34 марта бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказилди, – дейди вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари

ри **Бехзод Раҳматуллаев**. – Бу тадбирлар натижасида 1 минг 700 фуқаро ишга йўлланма олиб, ўз мутахассислиги ва турдош касблар бўйича фаолият бошлади. Ишга йўлланма олганларнинг асосий қисми касб-хунар коллежи битирувчиларидир.

Ярмаркада тижорат банклари мутахассислари томонидан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истагида бўлган фуқароларга кредит олиш ва бошқа масалаларда зарур маслаҳат ва тавсиялар берилди.

Тадбир давомида 410 дан зиёд иштирокчи ўзига муносиб иш топди.

ЎЗА материали асосида.

1 июнь – Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни

## Беғубор орзулар тасвири

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида навқирон авлоднинг камолоти йўлида ғамхўрлик ва эътибор кўрсатиш, уларнинг ижодий-интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, ижтимоий ҳолати, миллатидан қатъи назар, барча болаларнинг эзгу орзулари ижобати йўлида кенг имкониятлар эшигини очиб бериш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланган.



Ўзбекистон Давлат санъат музейида «Sen yolg'iz emassan» Республика жамоатчилик болалар жамғармаси томонидан 1 июнь – Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишлаб ташкил этилган «Менинг эзгу орзуим» мавзудаги расмлар кўргазмасида айни жиҳатлар яна бир карра ўзининг ёрқин ифодасини топди. Кўргазмада мамлакатимизнинг турли ҳудудларидаги Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, алоҳида эҳтиёжманд болалар чизган расмлар намойиш этилмоқда.

«Sen yolg'iz emassan» Республика жамоатчилик болалар жамғармаси Васийлик кенгаши раиси Л.Каримова-Тиллаева мамлакатимизда болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, уларнинг тўлақонли таълим олиши, буюк аждодларимизга муносиб ворислар бўлиб камолга етиши масаласи давлатимизнинг доимий эътиборида эканини таъкидлади.

Ўғил-қизларнинг ҳуқуқий манфаатларини таъминлашда, уларнинг жамиятда ўз ўрнини топишига яқиндан кўмаклашишда турли вазирлик ва идоралар билан биргаликда жамоат ташкилотлари ҳам фаол ҳисса қўшмоқда. Жумладан, «Sen yolg'iz emassan» Республика болалар жамоатчилик жамғармаси томонидан турли кўргазмалар, санъат ҳафталиклари, спорт мусобақалари, болалар форумларининг мунтазам

ўтказилаётгани ўқувчи-ёшлар қобилияти ва истеъдодини тўғри йўналтириб бориш, истеъдод соҳибларини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш имконини бермоқда.

«Менинг эзгу орзуим» деб номланган кўргазмада болалар ўз беғубор орзуларини оппоқ қоғозда тасвирлашга интиланганлар. Бу ерда намойиш этилаётган юздан ортиқ суратда кичкинтойларнинг тинчлик, осойишталик, ёруғ ва фаровон ҳаёт, табиат манзаралари, оиланинг муқаддас кўрғонлиги, мактаб билим ва тарбия маскани экани турфа бўёқларда акс эттирилган. Мазкур кўргазмадан кўзланган асосий мақсад болаларнинг орзу-интилишларини атрофлича ўрганиш, уларда ўзига бўлган ишонч ва қатъиятни мустаҳкамлашдан иборатдир.

– Мен юртимиздаги кўмкўк осмонни, яшил дарахтзорлар, майсазорларни, мактабга йўл олаётган шодон болаларни акс эттиришга ҳаракат қилдим, – дейди **22-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиси, 12 ёшли Анастасия Игнатенко**. – Ўзбекистонимиз доимо тинч ва осойишта, осмони тиниқ бўлишини орзу қиламан.

Кўргазма давомида болалар ўзлари чизган суратларнинг мазмуни ҳақида атрофлича сўзлаб бердилар. Тадбир доирасида болалар иштирокида асфальтга расм чизиш бўйича ижодий танлов ҳам ўтказилди.

ЎЗА.

БАНК АХБОРОТНОМАСИ

АХБОРОТ-ТАҲЛИЛИЙ ГАЗЕТА

ҲАМКОРЛАРИМИЗ ВА МУАССИС

Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки

«Norma» МЧЖ

«Moliya yangiliklari agentligi» МЧЖ

БОШ МУҲАРРИР

Акмал НАЗАРОВ

Нашр учун масъул

Анвар АСРОРОВ

ЧОП ЭТИШГА ТАЙЁРЛОВЧИ

Газета «Moliya yangiliklari agentligi» МЧЖнинг компьютер базасида саҳифаланди

АХБОРОТ КЎМАГИ

ЎЗА, «Туркистон-пресс» НАА

ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ:

100084, Тошкент ш.,

Ғ. Мавлонов кўчаси,

1а-уй, 3-кават.

e-mail: info@banknews.uz

www.banknews.uz

Реклама ва эълонлар учун  
234-43-18

телефони орқали мурожаат қилинг.

Юридик шахслар учун нашр индекси – 102.  
Жисмоний шахслар учун нашр индекси – 377.

Тахририятнинг фақат ёзма розилиги билан «Банк ахборотномаси»да эълон қилинган материалларни кўчириб босишга ижозат берилди.

Қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва қайтарилмайди.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2012 йил 10 январда 0065-тартиб рақами билан рўйхатга олинган.

Газета ҳафтанинг пайшанба куни чоп этилади.

Буюртма № 2195  
Адади: 8778 нусха.  
Нархи шартнома асосида.  
Газета А3 ҳажмида, 3 шартли босма табақда чоп этилди.  
Босишга рухсат этилди: 27.05.2015 й., 9.00.